




ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ЭРОН ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 5 апрель кунни мамлакатимизга амалий ташриф билан келган Эрон Ислон Республикаси ташқи ишлар вазири Муҳаммад Жавад Зарифни қабул қилди.

Учрашувда Ўзбекистон билан Эрон ўртасидаги сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий, транспорт-логистика ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликнинг бугунги аҳволи ва уларни ривожлантириш истиқболлари муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбари коронавирус пандемияси келтириб чиқарган мураккаб шароитларга қарамай, Ўзбекистон — Эрон муносабатлари изчил ривожланиб бораётганини мамнуният билан қайд этди.

Вазир Муҳаммад Жавад Зариф, ўз навбатида, самимий қабул учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдириб, Эрон Президенти Ҳасан

Рухонийнинг саломи ва эзгу тилаklarини етказди. Учрашувда иқтисодий ҳамкорлик масалаларига, савдо алоқаларини ривожлантириш ва янги кооперация лойиҳаларини илгари суришга алоҳида эътибор қаратилди.

Транспорт-коммуникация соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтириш, хусусан, Эроннинг денгиз портларидан самарали фойдаланиш ҳамда Ўзбекистон-Туркменистон-Эрон-Ўмон транспорт йўлагини ривожлантириш муҳим экани таъкидланди.

Шунингдек, халқаро ва минтақавий сиёсатнинг томонларни қизиқтирган долзарб жиҳатлари, жумладан, минтақавий хавфсизликни таъминлаш ва

Афғонистонда тинчлик жараёнини илгари суриш масалалари муҳокама қилинди.

Эрон ташқи сиёсий идораси раҳбари Ўзбекистоннинг Афғонистон бўйича тинчлик музокараларига кўмаклашиш, ушбу мамлакатни минтақавий савдо-иқтисодий ҳамкорликка жалб этиш борасидаги саъй-ҳаракатларини юқори баҳолади.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ РОССИЯ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 5 апрель кунни халқаро "Иннопром" саноат кўргазмасида иштирок этиш учун Тошкент шаҳрида бўлиб турган Россия Федерацияси саноат ва савдо вазири Денис Мантуров бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.

Таъкидлаш жоизки, "Иннопром" Россия Федерацияси Хукумати томонидан иқтисодиётнинг турли тармоқларида илғор технологиялар ва замонавий ишланмаларни биргаликда илгари суриш мақсадида ўтказиб келинаётган энг йирик кўргазма ҳисобланади. Ушбу тадбир мамлакатимизда биринчи марта ўтказилмоқда.

Учрашувда Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги кенг кўламли амалий ҳамкорликни янада кенгайтириш, стратегик шериклик муносабатларини мустақамлашнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди.

Денис Мантуров давлатимиз раҳбарига икки мамлакатнинг етакчи саноат компаниялари ва банк-молия институтлари

иштирокида йирик кооперация лойиҳаларини амалга ошириш бўйича биргаликда амалга оширилаётган ишларнинг натижалари тўғрисида маълумот берди.

Сўхбат чоғида бизнес ва ҳудудлар даражасидаги кўп қиррали шерикликни мустақамлаш, иқтисодиётнинг турли тармоқларидаги ҳамкорликни кенгайтириш ва янги лойиҳаларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилди.

Пойтахтимизда "Иннопром" кўргазмасининг муваффақиятли ўтказилиши ушбу вазифаларни бажаришга хизмат қилиши таъкидланди.

ЎЗА

БУНЁДКОРЛИК

ОРОЛҚУМ ОРОЛЎРМОНГА АЙЛАНМОҚДА

— Орол денгизи қадим денгизлардан ҳисобланиб, катталиги бўйича дунёда тўртинчи ўринда турган ва бой табиий захиралари билан машҳур бўлган. Орол бўйи ҳудуди эса биологик бой табиий муҳит ҳисобланган. Бу ерда ўсимлик ва ҳайвонот оламининг биологик хилма-хиллигини сақлаш ҳозирги куннинг долзарб масалаларидан бири. Табиий биотоплардаги ўзлаштириш жараёнларининг кучайиши, флора ва фаунага антропоген таъсир Орол бўйи минтақаси учун табиий ресурсларининг ҳозирги ҳолатини аниқлашда долзарб муаммо ҳисобланади.

3-бетга қаранг

ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРГА МОС МЕЗОНЛАР

ЖОРИЙ ЙИЛДА 8150 ТА ЯНГИ СТАНДАРТ ҚАБУЛ ҚИЛИНИБ, БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ МЕХАНИЗМЛАРИГА САЛБИЙ ТАЪСИР КЎРСАТАДИГАН ВА МАЪНАН ЭСКИРГАН 2013 ТА МЕЗОН АМАЛИЁТДАН ЧИҚАРИЛАДИ

Маҳсулотлар сифати ва рақобатдошлигини ошириш учун миллий стандартларни жаҳон талабларига мослаштириш ҳамда корхоналарга жорий қилиш жуда муҳим ҳисобланади. 2020 йилнинг ўзида халқаро талаблар билан уйғунлашган 6 минг 79 та стандарт қабул қилиниб, 3 минг 837 таси қайта кўриб чиқилди. Натижада бундай стандартлар сони 14 минг 858 тага етказилди. Ўз навбатида, тадбиркорларга қулайлик яратиш мақсадида бозор иқтисодиёти механизмларига салбий таъсир кўрсатадиган ва маънан эскирган 6 минг 81 та стандарт амалиётдан чиқарилди ва 3 минг 837 таси қайта кўриб чиқилди.

Чунки, замонавий иқтисодий тараққиётда истеъмолчиларга тақдим этилаётган маҳсулотларнинг сифатини кафолатлаш талаби кескин ортиб бормоқда. Улар билан узвий боғлиқ бўлган маҳсулотлар ва ишлаб чиқариш жараёнлари хавфсизлиги масалалари ҳам долзарб аҳамият касб этяпти. Бинобарин, ички бозорни сифати ва

хавфсизлиги техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги меъёрий ҳужжат талабларига жавоб бермайдиган маҳсулотлардан ҳимоя қилиш ҳар қандай давлатнинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

Давоми 2-бетда

"ИННОПРОМ": ЯНГИ МАҲСУЛОТЛАР МАЙДОНИ, КРЕАТИВ ҲОЯЛАР САРИ ЙЎЛ



Кеча, 5 апрель кунни Тошкентдаги "Ўзэкспомарказ" миллий кўргазмалар мажмуасида Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳамда Россия Федерацияси Саноат ва савдо вазирлиги ҳамкорлигида халқаро "Иннопром" саноат кўргазмаси иш бошлади. Мазкур кўргазма 2010 йилдан буён Россиянинг Екатеринбург шаҳрида ўтказиб келинади. Бу йил мамлакатимизда илк бор ташкил этилган, "Ўзбекистонда катта саноат ҳафталиги", дея расмий таърифланган халқаро тадбирда Ўзбекистон, Россия, Франция, Германия, Япония, Чехия, Озарбайжон, Арманистон, Беларусь, Қозоғистон, Қирғизистон каби давлатлардан ҳукуматлар делегациялари, хусусан, 300 дан зиёд йирик саноат компаниялари, ишбилармон доиралар вакиллари қатнашмоқда, 1 минг 100 дан ортиқ корхоналар ўз маҳсулотларини намойиш этмоқда.

Давоми 2-бетда



МУНОСАБАТ

Президентимизнинг шу йил 1 апрелдаги “Илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш бўйича давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги фармонида қайта тикланувчи энергетикани ривожлантириш соҳасида муқобил ва экологик тоза энергия манбаи — водород ишлаб чиқариш, уни сақлаш ва қўллаш бўйича инновацион технологияларни яратиш асосий вазифалардан бири сифатида белгиланди.

ВОДОРОД ЭНЕРГЕТИКАСИ — ИСТИҚБОЛЛИ ЭНЕРГИЯ МАНБАИ



Одилхўжа ПАРПИЕВ,
ЎзФА Материалшунослик
институтининг директори,
физика-математика
фанлари номзоиди

2019-2030 йиллар давомида мамлакатимизда янги ишлаб чиқариладиган электр энергиясида қуёш ва шамолдан олинадиган энергия улушини 13,8 фоизга етказиш мақсад қилинган. Маълумки, қуёш ва шамолдан энергия олиш кўп жиҳатдан об-ҳавога боғлиқ. Шу боис, бу энергия қуввати камайганда ўрнини тўлдирish учун бошқа арзон ва экологик тоза манбаларни яратиш эҳтиёжи пайдо бўлмоқда. Шунингдек, экологик муаммолар ва уларни бартараф этиш билан боғлиқ буғунги ҳолат водород энергетикасини янада ривожлантиришни тақозо этапти.

Халқаро экспертлар 2050 йилда водород энергетикаси улуши дунё миқёсида 18 фоиз, 2100 йилда эса 40 фоиздан ошшини тахмин қилмоқда. Европа Иттифоқи мамлакатлари водород энергетикасини ривожлантириш орқали атмосферага чиқариладиган карбонат ангидрид миқдорини 95 фоизгача камайтиришни режалаштирган.

Дунёда водород энергетикасини ривожлантириш ва ундан

самарали фойдаланиш бўйича кенг миқёда илмий ва амалий ишлар олиб борилмоқда. Масалан, Европа Иттифоқи 2050 йилгача ёқилга бўлган умумий эҳтиёжнинг 25 фоизини водород воситасида қондиришни мақсад қилган.

Япония водород дастурида 2020 йилда 1,4 миллион, 2030 йилда эса 5,3 миллион дон водородли ёқилга элементини фойдаланишга топшириш кўзда тутилган. Хитойда 2050 йилда жами ишлаб чиқариладиган электр энергияси ҳамининг 10 фоизи водород хиссага тўри келиши белгиланган.

2018-2019 йиллар мобайнида Австралия, Жанубий Корея, Германия, Буюк Британия ва АКШнинг айрим штатлари ўз водород стратегиясини тасдиқлаган.

Водород энергетикасининг ҳозирга қадар кенг оммалашмаганига асосий сабаблардан бири уни ишлаб чиқариш тарихи баланглигидир. Мавжуд технологиялар ёрдамида бир бирлик водород энергияси олиш учун 3-4 бирлик энергия сарфланади. Масалан, табиий газдан фойдаланиб водород олиш учун 1200 °C, сувни парчала олиш учун эса 1600 °C ҳарорат зарур.

Мамлакатимизда водород энергетикасини ривожлантириш учун дастлабки қадамлар қўйилган. Масалан, Фанлар академиясининг Материалшунослик институтида водородни синтез қилиш, руҳ билан сувни аралаштириш ҳамда қуёш энергияси воситасида водород ажрати олиш, Турин политехника университетида водород ёқилгиси билан ишлайдиган автомобиллар яратиш бўйича тадқиқотлар қилинмапти.

Инновацион ривожланиш ва сизилгининг 2021-2022 йиллар-

даги устувор фаолият йўналишларини амалга ошириш бўйича фармонда белгиланган амалий чора-тадбирлар дастури мамлакатимизда водород энергетикаси технологиялари юзасидан илмий тадқиқот ишларини янада кенгайтириш ва чуқурлаштириш имконини яратди. Юртимиз олимлари Қуёш нуридан фойдаланиб сувдан қоричи ҳарорат (1600 °C)да водород олиш бўйича тадқиқотлар олиб боради. Бунинг афзал жиҳатларидан бири шуки, қоричи ҳарорат олиш учун қўшимча энергия сарфланмайди, экологияга зарарли таъсир кўрсатилмайди. Водороддан энергия олишда у кслород билан реакцияга киришади, пировадида ҳам 1000 °C дан ортқ ҳарорат, ҳам сув ҳосил бўлади. Демак, водород синтези учун фойдаланилган сув деярли тўлиқ ўз ўрнига қайтади, ундан ажралиб чиққан қоричи ҳароратдан ҳам электр энергияси, ҳам иссиқлик энергияси олинади.

Бундан ташқари, водород ажралиши учун сарфланадиган ҳароратни пасайтириш ва водород ажралиши ҳамини ошириш учун махсус наноўлчамли катализаторлар яратиш, водороддан транспорт ёнилиши учун элементлар ҳосил қилиш, водородни хавфсиз сақлаш, тармоққа узатиш ва ундан фойдаланиш технологияларини ишлаб чиқиш кўзда тутилган. Водороддан ёқилга элементлари сифатида фойдаланиш, ўз навбатида, азот, олтингурут ва углерод оксидлари каби атмосфера учун зарарли бўлган бирикмалар миқдорини камайтиради.

Энг муҳими, водород энергетикаси технологияларининг ривожланиши мамлакатимиз иқтисодиёти ва аҳолисини энергия билан узлуксиз таъминлаш имконини беради.



“ИННОПРОМ”: ЯНГИ МАҚСУЛОТЛАР МАЙДОНИ, КРЕАТИВ ҒОЯЛАР САРИ ЙЎЛ

Улуғбек АСРОПОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Бошланчи 1-бетда

Кўрғазмадан кўзланган мақсад эса иштинроқ мамлакатлар ўртасида саноат кооперациясини кенгайтириш, илғор технологиялар ва инновацияларга асосланган қўшилган қиймат занжирларини яратиш ҳамда турли мамлакатлардан келган ишбилармон доиралар муносабатларини ўрнаттириш.

“Жаҳон саноат ишлаб чиқариши ўсиш драйверларини изламоқда” мавзусидаги бош стратегик сессия билан бошланган нуфузли тадбир доирасида 15 га яқин кенг қамровли тадбирлар, 200 дан ортқ бизнес-учрашувлар ташкил этиш режалаштирилган.

Кўрғазма очилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари — инвестициялар ва ташқи савдо вазири Сардор Умурзоқов, Россия Федерацияси саноат ва савдо вазири Денис Мантуров, Қозғоғистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Роман Скляр, Беларусь Республикаси саноат вазири Пётр Пархомчик ва бошқалар мазкур нуфузли халқаро кўрғазма мамлакатлар ва компаниялар ўртасида саноат кооперациясини кенгайтириш, саноатни ривожлантириш ва қўшма корхоналар ташкил этишда муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади. Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ҳаётга таъбиқ этилган йирик лойиҳалар самарасида мамлакатимизда саноат жадал ривожланиш босқичига қадам қўйди. Янги ишлаб чиқариш қувватлари ишга туширилди, минглаб иш ўринлари яратилди. Тизимда қулай инвестиция ва ишбилармон-

лик муҳити яратилиши эса хорижлик инвесторларнинг Ўзбекистонга бўлган қизиқиши ортшига, сармоя оқими кўпайиб, иқтисодиётимизнинг янада юксалишига йўл очди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда ишлаб чиқариш қувватларига солиқ юки камайтирилиб, инвесторлар учун қўшимча имтиёз ва преференциялар жорий этилди. Ташқи савдо режимини либераллаштириш бўйича ҳам тизимли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Биргина мисол: ўтган йилларда четдан олиб кириладиган кўплаб турдаги маҳсулотлар учун божхона тўловлари ва ак-

қиз солиқлари сезиларли даражада камайтирилди, айримлари бутунлай бекор қилинди. Импорт бўйича барча миқдорий чекловлар олиб ташланди.

Пировадида, сўнгги йилларда Ўзбекистонда ичизил саноатлаштириш тенденцияси кузатилапти. Масалан, ўтган 4 йил мобайнида республика ЯИМ да саноатнинг улуши 26,6 фоиздан 35,5 фоизга усган, айрим тармоқларда эса саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 10 баробардан зиёд ошган.

Халқаро “Инопро” саноат кўрғазмаси 7 апрелга қадар давом этади.

Денис МАНТУРОВ,
Россия Федерацияси саноат ва савдо вазири:

— Тошкентда ушбу йирик тадбирни ўтказиш тасодиқ эмас, чунки Ўзбекистон бошқа давлатлар ва ҳамкорлар учун ўз имкониятларини кенгайтиряпти. Мамлакатда жуда катта ишлар амалга оширилаётганига гувоҳ бўляпти. Ҳозирги кунда Ўзбекистон ва Россия компаниялари иқтисодиётнинг турли тармоқларида йирик ҳамкорлик лойиҳаларини амалга оширмоқда. Ўзбекистонда ташкил этилган ушбу кўрғазмада Россиянинг 300 та компания ва корхонаси ўз маҳсулотларини намойиш этапти.

Кўрғазмада иштинроқ корхоналарнинг машинасозлик, металлургия, энергетика, ахборот технологиялари, фармацевтика ва табиёт соҳаларида эришган ютуқлари намойишига кенг ўрин ажратилган.

Биринчи кун иштинроқчилар иқтисодиётдаги рақобатбардошликни ошириш мақсадида кўп томонлама ҳамкорлик истиқболларини муҳокама қилди. Унда халқаро саноат муносабатларини чуқурлаштириш ҳамда саноат, илмий ва технологик ҳамкорликни ривожлантириш бўйича яқин алоқаларнинг аҳамияти, бунда хусусий секторнинг фаол иштирокини таъминлаш зарурлиги қайд этилди.

Иброҳим АБДУРАҲМОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси инновацион ривожланиш вазири:

— Саноат соҳасида инновацион технологияларнинг пайдо бўлиши, сунъий интеллектдан кўпроқ фойдаланиш, рақамлаштиришга бўлган эътиборнинг ортиб бораётгани иқтисодиётнинг кенг ривожланишига омил бўлмоқда. Таъкидлаш керакки, инновация бўлиши учун инвестиция керак. Инвестициялар эса, ўз навбатида, янги инновацион технологияларга эҳтиёж сезади. Шу маънода, буғунги халқаро кўрғазманинг аҳамияти жуда катта. Хорижлик ҳамкорлар билан ўзаро мулоқотларда кўплаб масалаларга ечим топилапти.

ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРГА МОС МЕЗОНЛАР

ЖОРИЙ ЙИЛДА 8150 ТА ЯНГИ СТАНДАРТ ҚАБУЛ ҚИЛИНИБ, БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ МЕХАНИЗМЛАРИГА САЛБИЙ ТАЪСИР КЎРСАТАДИГАН ВА МАЪНАН ЭСКИРГАН 2013 ТА МЕЗОН АМАЛИЁТДАН ЧИҚАРИЛАДИ

Бошланчи 1-бетда



Дилшод САТТОРОВ,
“Ўзстандарт” агентлиги бош директори

ИНСТИТУЦИОНАЛ НЕГИЗЛАР

Сўнгги йилларда мамлакатимизда техник жиҳатдан тартибга солиш тизимининг институционал асослари яратилди. Президентимизнинг 2017 йил 28 апрелдаги “Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификация агентлигини фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори бу борада дастуруламал бўляпти. Мазкур ҳужжат асосида ISO халқаро ташкилот стандартларини қабул қилиш янада мустахкамланди, синов ва ўлчаш лабораторияларининг моддий-техник базаси яхшиланди.

Миллий эталонлар базасини ривожлантириш учун эса 248,87 миң АКШ долларлик фотометрик ўлчашлар учун қуриш хараид қилинди. Бу билан табиёт ва фармацевтика соҳаларида фойдаланиладиган қон ва иммуно-фермент анализатор, колориметр, рефрактометр ва люксметрларни метрологик текши-рувдан ўтказиш йўлга қўйилди. Умуман

олганда, мазкур соҳанинг юқори аниқликдаги асбоблар билан таъминланиши 2,1 баробарга ортиб, саноат корхоналари метрологик текширувни тўлиқ қамраб олиш самарадорлиги тубдан яхшиланиб борапти. Шунинг баробарида, 10 та янги калибрлаш лабораториялари фаолияти йўлга қўйилди.

2017 йилда ташкил этилган Ўзбекистон миллий метрология институти буғунги кунда халқаро ташкилотлар BIPM (халқаро ташкилот), COOMET (Евро-осиё ташкилоти), APMP (Тинч океани минтақаси ташкилоти), ILAC (Аккредитация бўйича халқаро ташкилот) томонидан тан олинди.

2020 йилнинг апрель ойда “Метрология тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун қабул қилинди. Бу билан метрологияга оид қондалар халқаро талаблар билан мувофиқлаштирилди ҳамда хусусий бизнес субъектларини метрологик хизматлар кўрсатиш фаолиятига жалб этиш, жумладан, ўлчаш воситаларини калибрлашдан ўтказиш имконияти пайдо бўлди. Халқаро экспертлар жалб қилиниб, калибрлашнинг янги услублари бўйича 35 та мутахассиснинг тайёрланиши ҳисобига янги метрологик инфраструктура асослари яратилди.

2018 йилда ташкил этилган Стандартлаштириш институтида сўнгги икки йилда 14 миңдан кўпроқ стандартлар халқаро нормалар билан уйғунлаштирилиб, 5,3 миңга маънан эскирган стандартлар бекор қилинди.

Шунингдек, 2019 йилдан буён фаолият кўрсатаётган Ўзбекистон Аккредитация маркази қисқа вақт давомида — мувофиқликни баҳолаш идораларини аккредитация қилиш Бутунжаҳон уюшмаси IAFнинг тўлақонли ва лабораторияларни аккредитациялаш бўйича халқаро ташкилот ILAC нинг мухбир аъзоси бўлди.

Бугунги кунда Ўзбекистонда Аккредитация тизимида 64 та халқаро стандарт қабул қилинган бўлса, 32 та малакали мутахассис тайёрланди. Халқаро экспертларни жалб қилган ҳолда, 82 та асосий ҳужжат ишлаб чиқилди. Бу эса аккредитация бўйича миллий идоранинг халқаро ҳамжамиятда тўлақонли фаолият кўрсатишига имконият яратди.

ТЕХНИК ТАРТИБГА СОЛИШ ВА СТАНДАРТЛАР

Маҳсулот сифати ва хавфсизлиги яқин вақтга қадар стандартлар асосида белгиланади. Шу билан бирга, маҳсулотларнинг хавфсизлиги ягона талаблар ўрнатилишининг таъминланиши халқаро ташкилотларга уйғунлашув жараёнини учайиши билан алоҳида долзарблик касб этмоқда.

Шу муносабат билан ислохотларнинг мазкур босқичида маҳсулот хавфсизлиги назоратига асосланган техник жиҳатдан тартибга солиш тизими норматив базасини такомиллаштириш бўйича амалга оширилаётган ишлар алоҳида аҳамият касб этади. Шу боис кейинги йилларда халқаро норма ва стандартлар негизида 36 та техник регламент ишлаб чиқилиб, уларнинг умумий сони 53 тага етказилди. Уларнинг қабул қилиниши билан қарийб 2 миңга яқин стандарт ихтиёрийликка ўтказилди ва ушбу маҳсулотлар турларининг сифат назорати, ишлаб чиқаруви ва савдо тармоқлари томонидан харидорлар эҳтиёжидан келиб чиқиб амалга оширилди.

Президентимиз 2020 йилнинг 28 сентябрь кунини ўтказилган йиғилишида агентлигимизнинг бошқа йўналишлари каби техник жиҳатдан тартибга солишни Европа ва Ев-

росиё иқтисодий иттифоқи талабларига мослаштиришни асосий вазифа сифатида белгилаб берган эди. Мазкур вазифани ба-жариш борасида қабул қилиш учун 27 та техник тартибга солиш лойиҳалари халқаро (Европа иттифоқи, Евроосиё иқтисодий иттифоқи) ҳужжатлари негизида ишлаб чиқилди ва жамоатчилик муҳокамасига тақдим этилди.

СИНОВ ЛАБОРАТОРИЯЛАРИ ВА МЕНЕЖМЕНТ ТИЗИМЛАРИ

Сертификациялаштириш ва синовлар бўйича хизмат кўрсатувчи миллий инфра-структура яратилганига кўп вақт бўлгани йўқ. Бугунги кунда юртимизда 51 та хусусий сертификациялаштириш идораси ҳамда 268 та синов лабораторияси фаолият кўрсатмоқда. Мамлакатимизда ишлаб чиқариладиган маҳсулотларни хориж бозорларига олиб чиқиш учун шартли яратиш мақсадида 12 та синов лабораторияси халқаро даражада аккредитланган.

Ўзбекистон Республикасида ваколатхонаси мавжуд бўлган 9 та менежмент тизимларини сертификациялаштириш идоралари халқаро ҳамкорлик доирасида фаолият кўрсатмоқда. Улар жумласига SGS (Швейцария), TÜV (Германия), Control Union (Нидерландия), RINA, DQS Quality Systems (Италия), EuroCert (Греция), Astraia Management, Sert Management (Словакия), “Русский Регистр” (Россия) кирди.

Юртимизнинг 3 та менежмент тизимларини сертификациялаштириш идораси — “Management Certification”, “Central Asia Certification”, “Cert International” компаниялари халқаро аккредитациядан муваффақиятли ўтди. Хусусан, “Cert International” Қирғизистон, Қозғоғистон ва Россия Федерацияси менежмент тизимларини сертификациялаштириш бўйича иш олиб бормоқда.

Менежмент тизимларига тегишли амалдаги барча стандартлар (ISO 9001, 14000, 22000, 45001, Global G.A.P., Sedex, BSCI, GOTS) Ўзбекистонда қабул қилинган бўлиб, тадбиркорлик субъектлари томонидан жорий қилинмоқда. Натижада 10 миңга корхонада маҳсулот ишлаб чиқаришнинг тўлиқ занжири бўйича жараёнлар назоратига асос-

ланган сифат менежменти тизимлари жорий қилинди. Уларнинг 305 таси озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги стандартларига, 229 та фермер хўжалиги Global G.A.P. ва Organic стандартига ва 63 та корхона газлама тармоғида қўлланладиган Sedex, BSCI, Oeko-Tex-100, GOTS стандартларига мувофиқлик сертификатига эга бўлди.

Тадбиркорлик субъектлари учун қулай шароитлар яратиш мақсадида халқаро тажриба ҳисобга олинган ҳолда, республика Иқтисодий тараққиёт ва ҳамкорлик ташкилотининг 37 мамлакатдан импорт қилинадиган хомашё материаллари, ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун материаллар ва бошқа маҳсулотларни сертификациялаштириш бекор қилиниши ҳисобига унинг содда-лаштирилган тартиблари жорий қилинган.

ҚОНУН ИЖОДҚОРЛИГИ СОҲАСИДАГИ ИШЛАР

Фаолиятнинг у ёки бу соҳасидаги ҳар қандай ислохот қонунчилигини қайта кўриб чиқиш ёки такомиллаштиришни талаб қилади. Шу боис мамлакатимизнинг техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштириш борасидаги ишлар бошлаб юборилди. Шу муносабат билан USAID (АҚШ халқаро тараққиёт агентлиги) ҳамда БМТ Тараққиёт дастури ва Халқаро савдо маркази каби халқаро ташкилотлар мутахассислари жалб қилинди.

Ҳамкорликдаги фаолият натижасида юқорида қайд этилган “Метрология тўғрисида”ги янги таҳрирдаги қонун қабул қилинди, халқаро нормалар негизида ишлаб чиқилган “Стандартлаштириш тўғрисида”ги қонуннинг янги таҳрирдаги лойиҳаси жамоатчилик муҳокамасидан ўтди ва шу кунларда халқаро экспертлар томонидан кўриб чиқилди.

Бундан ташқари халқаро экспертлар жалб қилинган ҳолда, техник жиҳатдан тартибга солиш, мувофиқликни баҳолаш ва аккредитация соҳаларида учта қонун ҳужжати янги таҳрирда таёрланди. Уларда принципал янгича ёндашувлар кўзда тутилган бўлиб, асосий урғу тайёр маҳсулотнинг сертификациялаштиришдан, тегишли ўтиш даврини белгилашдан тортиб, таҳсилдорларни тоифалаштирган ҳолда, бозорни назорат

қилиш амалий механизмларнинг ҳуқуқий асосларини яратишга бўлган жараёнларга қаратилган.

Қонунларнинг янги таҳрирда қабул қилиниши ва уларнинг амалга киритилиши ваколатли органлар ташкилий тузилмасини халқаро тажриба ва талаблар доирасида аниқ белгилаштиришга ҳам имкон беради.

Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасида фаолият турларини институционал такомиллаштиришни ва мувофиқликни баҳолаш органларининг аккредитация соҳасидаги муносабатларини халқаро стандартлар негизида мукамаллаштиришини таъминлайди. Шунингдек, маҳсулот мувофиқлигини тасдиқлашнинг амалдаги тартибларини ЖСТ, ЕИ ва ЕОИИ халқаро меъёрлари нуктаи назаридан қайта кўриб чиқишга кўмаклашади.

Умуман олганда, техник жиҳатдан тартибга солиш тизимини такомиллаштириш йўналишида бошланган ва амалга оширилаётган хатти-ҳаракатлар Ўзбекистонга жaxon маҳсулот ва хизматлар бозори билан фаол ҳамкорлик қилиш ва иқтисодиётни самарали ривожлантиришга кенг йўл очди. Энг асосийси, ортиқча маъмурий тўсиқларни бартараф қилиш, маҳаллий маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини ошириш, саноатни замонавийлаштириш, ишлаб чиқариш ва истеъмол жараёнлари хавфсизлигини таъминлаш, мамлакат ташқи иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилишга имконият яратди.

Президентимизнинг маҳсулотлар сифати ва рақобатбардошлигини ошириш учун миллий стандартларни жaxon талабларига мослаштириш ҳамда корхоналарга жорий қилиш бўйича берган топшириқлари юзасидан белгиланган вазифалар давом эттирилди. Жорий йилда 8 150 та янги стандартни қабул қилиш режалаштирилган бўлиб, уларнинг барчаси халқаро меъёр ва қондалар билан уйғунлаштирилди. Бозор иқтисодиёти механизмига салбий таъсир кўрсатадиган ва маънан эскирган 2 013 та стандарт эса амалиётдан чиқарилади. Бу билан амалда фойдаланилаётган стандартларни халқаро стандартлар билан уйғунлашиш даражаси 50 фоиздан ошди ва маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнлари янги босқичга кўтарилади, экспорт салоҳиятининг ошишига сезиларли даражада ижобий таъсир кўрсатади.

БУНЁДКОРЛИК



Мнажатдин ҚУТЛИМУРАТОВ, "Янги Ўзбекистон" мухбири

КУТИЛМАГАН ҚЎНГИРОҚ

Кутилмаганда телефоним жиринглаб қолди. Уртоғим, Нукус давлат ўрмон хўжалиги директори Арислон Юсуфов экан.

— Алло, Мнажатдин, Мўйноққа борасанми? Борсанг мени ҳам олиб кет, дегандинг.

Мен ҳеч иккиланмасдан: — Бораман, қачон? — дедим.

— Тайёрланиб тур, ярим соатдан сўнг бориб, олиб кетаман.

— Келавер, мен тайёрман.

Ярим соатдан сўнг Арислоннинг автоуловиди Мўйноқ томон йўл олди. Машинада шиддат билан чўл қўйнига кириб борар эканмиз, поёнсиз йўллар четдаги саксовуллар, шамолда майин тебранарди...

Мана уч йилдири, Орол денгизининг суви қуриган майдонлари ҳамда Оролбўйи ҳудудларида шамол таъсирида юзага келадиган кучли кум, туз ва чанг буронларини камайтириш, кум кўчишининг олдини олиш, минтақада экологик ҳолатни яхшилаш мақсадида катта бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда.

Йўлда саф тортиб Мўйноқдан келатган турли хил техникаларни учратдик.

— Мамлакатимиз вилоятларидан келган техникалар экиш мавсумини тугатиб қайтмоқда, — деди Арислон менинг саволимни аввалдан англагандек.

— Қишнинг бўронли кунларида юртимизнинг барча ҳудудларидан келган ишчилар Мўйноқ тумани ва Орол денгизининг қуриган тубидаги экологик офат зонасидан кум ва тузни олиб ташлашга тўсқ бўлувчи яшил майдонлар яратиш учун сидқидилдан меҳнат қилишди.

Ҳақиқатан ҳам, бугун мамлакатимиз аҳолиси Орол денгизининг қуриган тубида "яшил қопламалар" — ҳимоя ўрмонзорларини барпо этиш ишларида астойдил меҳнат қилмоқда.

Шу ўринда статистик маълумотларга эътибор қаратсак. Масалан, 2018 йилнинг куз-қиш ва 2019 йилнинг баҳорда Орол денгизининг суви қуриган тубида жами 460872 гектар майдонда фитомелиорация ишлари олиб борилди. Шундан сўнг 326 150 гектар майдонга самолёт ёрдамида, 119 437 гектар майдонга техника ёрдамида, жами 445587 гектар ерга уруғ экилди. Шунингдек, маданий ўрмонзорлар ташкил этиш учун 15 285 гектар ерга даракт кўчатлари ўтказилди. Бу ишларни амалга ошириш учун 1532 тонна чўл ўсимликлари уруғлари тайёрланди. Уларнинг 1459 тоннаси саксовул, 73 тоннаси қорабарақ уруғидир.

Қисқа вақт ичида мисли қўрилмаган ҳаждаги иш амалга оширилди. Саксовул ва бошқа чўл ўсимликларида иборат ўрмонзор май ойининг бошида вегетация даврида яшил ранга кириб, бутун майдон мовий гиллама айланади. Аини пайтда дастлабки натижалар кўзга ташлана бошлади. Шунингдек, Орол денгизининг қуриган тубига чорва учун озуқабол ўсимликлар экилган эди. Бугунги кунга келиб, яйлвлар ҳам пайдо бўлмоқда.

ЎРМОНЗОР КЕНГАЙМОҚДА

Биз Мўйноқ давлат ўрмон хўжалигининг янги биносига етиб борганимизда, бу ерда одамлар гавжум, иш қайнаётган экан. Барча ўз вазифасини бажаришга шошилмоқда.

— Урмон хўжалигимизда 85 нафар ишчи-ҳодим, 14 та техника мавжуд, — дейди Мўйноқ давлат ўрмон

хўжалиги директори Фарҳад Аюезов. — Бундан уч йил олдин хўжалигимиз ер майдони 650 887,2 гектар эди. Бугунги кунга келиб қарийб 2 225 000 гектарга етди. Баҳор мавсуми ишлари яқунланмоқда. Куз учун 3280 гектар жойга етадиган уруғ тайёрлаб қўйдик.

Олдинлари денгизда сузиб юрган кемалар сув қуриб кетиши оқибатида тўхтаб қолди, чанг-тўзон ҳамда тузлар кўтарилиб, экологик муаммо келиб чиқди. Аммо матонатли, сабр-тоқатли халқ ёруғ кунларга ишониб, умид билан яшади ва ниҳоят улар орзу қилган кунлар ҳам етиб келди.

Яна маълумотларга мурожаат қиламиз. 2019 йилнинг куз-қиш ва 2020 йил баҳор мавсумида Орол денгизининг суви қуриган тубида жами 706 401 гектар майдонда фитомелиорация ишлари олиб борилди. Шундан сўнг 496 933 гектар майдонга техника ёрдамида, 166 170 гектар майдонга техника ёрдамида, жами 663 100 гектар ерга уруғ экилди. Шунингдек, маданий ўрмонзорлар ташкил этиш учун 40 284 гектар ерга даракт кўчатлари қадалди. Бундан ташқари, 3014 гектар майдонда чорва моллари учун яйлвлорлар ташкил қилинди.

Президентимизнинг экологик фожиага келиб қолган ҳудудни ривожлантириш борасида илгари сурган ғоя ва ташаббуслари, улар асосида амалга оширилаётган кенг қўламли ўзгариш ва янгилаш ишлари мўйноқликларнинг эртаниги кунга ишончини мустаҳкамламоқда. Ҳар йили экиш мавсумларида механизаторлар, Фавқулодда вазиятлар вазири, ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси ва бошқа ташкилотлар ҳодимлари ҳамда аҳоли фаол иштирок этмоқда.

— 2021 йил учун 300 минг гектар майдонда яшил қопламалар, яъни ҳимоя ўрмонзорлари барпо этиш вазифаси белгиланган эди. Тошириқ кўрсони таъминлаш мақсадида бугунги кунда жами 445 717 гектар майдонда фитомелиорация ишлари олиб бориб, самолётлар ва техникалар ёрдамида чўл ўсимликлари уруғларини экидик, — дейди Ўзбекистон Республикаси ўрмон давлат қўмитаси раиси ўринбосари Ғолибжон Қурбонов. — Албатта, ўрмонзор пайдо бўлса, биринчидан, тузли чангларнинг кўтарилиши тўхтайдди. Иккинчидан, ерининг намлиги ошади ва жониворлар сони қўлайишига олиб келади.

Бундан уч йил олдин бу ерда ахвол жуда ачинарли, гўё ҳаёт тўхтаб қолгандек эди. Давлатимиз раҳбарининг "Маданият Мўйноқдан бошланади" деган гапи бугунги кунда аини ҳақиқатга айланди. Одамларнинг онги, дунёқараши, фикри ўзгарганлигининг гувоҳи бўлялмиз. Уруғларни териш асосида мавсумий ишларга жалб қилинган мўйноқлик ёшларнинг бандлиги таъминланмоқда.

Энг қувонарлиси, Орол денгизининг суви қуриган ҳудудларида 2018–2020 йил баҳор мавсумида жами 1,2 миллион гектар "яшил қопламалар" барпо этиш ишлари амалга оширилган бўлса, ўтказилган мониторинг натижалари буйича "яшил қопламалар"нинг ҳолати яхши, ўртача қўқарувчанлик 35–40 фоизни ташкил этмоқда.

САКСОВУЛ — ЧЎЛГА ЭНГ ЧИДАМЛИ ЎСИМЛИК

Ўзбекистонда саксовулнинг уч хил тури ўсади. Заинский тури Устюрт ва Қизилқум ҳудудларида ёввойи ҳолда кўллаб учрайди. У буга ўсимликлар оиласига кирди.

Қора саксовул дарактлар оиласига кирувчи ўсимлик бўлиб, 40–50 йил яшайди. Оқ саксовул ҳам дарактлар оиласига мансуб. Бу ўсимлик фақат Қизилқум чўли ва Устюрт платосида ёввойи ҳолда усувчи ўсимликлар туркумига кирди.

Чўл шароитига чидамли ўсимликлардан бири —

Яна маълумотларга мурожаат қиламиз. 2019 йилнинг куз-қиш ва 2020 йил баҳор мавсумида Орол денгизининг суви қуриган тубида жами 706 401 гектар майдонда фитомелиорация ишлари олиб борилди. Шундан сўнг 496 933 гектар майдонга самолёт ёрдамида, 166 170 гектар майдонга техника ёрдамида, жами 663 100 гектар ерга уруғ экилди. Шунингдек, маданий ўрмонзорлар ташкил этиш учун 40 284 гектар ерга даракт кўчатлари қадалди. Бундан ташқари, 3014 гектар майдонда чорва моллари учун яйлвлорлар ташкил қилинди.

саксовул тупроқ таркибидаги тузларни еб йўқ қилади. Қўчма қўмлар тарқалишининг олдини олади. Табиий йўл билан экандан кейин иккинчи ва учинчи йилнинг кузи охирига келиб уруғ тугади ва ўз-ўзидан уруғларини сочиб, ёввойи ҳолда кўқаради ва чўлда ўрмонзорлар пайдо этади. Ҳозирги вақтда саксовулнинг энг кўп тарқалган тури қора саксовул саналади.

— Ҳозир Қорақалпоғистон ҳудудида Устюрт, Қизилқум, Қорақумдан ташқари Оролқум деб номланган сахро пайдо бўлди. Ушбу Оролқум деб номланган денгиз тубида ватандошларимизнинг сидқидилдан қилаётган ишлари барчага намуна бўлмоқда. Орол денгизи Оролқумга айланган бўлса, кейинги 3–4 йил ичида халқимизнинг фидокорона меҳнати туфайли Оролқумга айланмоқда, — дейди Қорақалпоғистон Республикаси ўрмон хўжалиги қўмитаси раиси Ойбек Аминов. — Бу ерда инсонларнинг нималарга қодир эканлигини қилган меҳнатлари мисолида қўриш мумкин. Муҳими, шароит қанчалар қийинлигига қарамасдан олиб борилган ишлар натижаси кўринмоқда. Ташқаридан кузатган киши учун бу, ҳақиқатдан ҳам, мўъжиза. Ўрмонзор пайдо бўлса, тузли чанг-тўзон кўтарилиши тўхтайдди. Янги яйлвлар, ёввойи ҳайвонлар, қўшлар кўпаяди. Меҳнатимиз натижасида 10–12 йил ичида катта ўрмонзор яратилади. Халқимизда "Олти ола бўлса, оғиздагини олдираб, тўрттов тугал бўлса, тепаданиги тушираб", деган мақол бор. Демак, оғизбирчиликда, бирдамликда иш олиб бориш керак экан. Орол фожоеасидан зарар қўраётган денгизни яшил майдонга айлантириш ишларига ўз ҳиссамизни қўшаётганимиздан жуда мамнунмиз.

ЗАМОНАМИЗ ҚАҲРАМОНИ

Бизнинг навбатдаги суҳбатдошимиз қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, академик Зиновий Новицкий бўлди. У ҳозиргина денгиздан Мўйноққа қайтиб келган экан. Ёши 70 дан ўтса ҳам кўзларида ур порлаб турган Зиновий Богданович ҳарбийларча салом бериб, бизни мамнуният билан қарши олди.

— Мен Орол денгизи муаммоси билан 1981 йилдан буён шугулланган келаман, — дейди академик Новицкий. — Ўша йили мени Москва шахрига чақириб, Орол денгизини қуриши сабабини аниқлаш буйича гуруҳни бошқаришни топширишган. У пайтда Орол денгизи 20 километрга чекинган эди. Яқин-яқинчага фақат илмий изланишлар, тажрибалир ўтказилиб, оз миқдорда чўл ўсимликлари экиш ишлари амалга ошириб келинди. Шунингдек, кўпчилик олимлар, жамоatchилик вакиллари денгизни фақат келиб қўриб, расмага тушиб кетишган.

Давлатимиз раҳбари томонидан Оролнинг қуриган тубида яшил майдон барпо қилиш масаласининг кўтарилиши, айтиш кераки, бу Ўзбекистон тажрибасида илк мартаба қўл урилатган улкан лойиҳа, иш ҳисобланади. Хабарингиз бор, Орол денгизи тубидан йилига 150 миллион тонна тузли чанг-тўзон ҳавога кўтарилиб, булутлар билан аралашиб, 1000 километргача учиб боради ва тузли қор бўлиб ёғади. Натижада бутун дунёда экологик муаммони келтириб чиқармоқда. Денгиз тубидаги қуриган ер майдони 6 миллион гектарни ташкил этади. Бунинг 3,2

миллион гектари Ўзбекистон ҳудудида тўғри келади. Қолган қисми Қозғистон ҳудудида жойлашган. Эндиги муаммо шундан иборатки, Қозғистон ҳудудидаги денгиз тубида ҳам яшил майдонни барпо этиш лозим. Чунки шамол асосан ўша томондан эсади. Биз қозғистонлик олимлар билан бу борада суҳбатлар олиб бормоқдамиз. Ишонаманки, келажакда амалий ишларни биргаликда бошласак, денгиз туби ўт-ўланлар билан қопланади. Уттан давр мобайнида 1,2 миллион гектар "яшил қопламалар" барпо этилди. Ушбу "яшил қопламалар"нинг қўқарувчанлиги ўртача 35–40 фоизни ташкил этмоқда. Демак, натижа яхши томонга қараб бормоқда. Меҳнатимиз бесамар кетмади. Ўрмонзорлар кенгайиши билан ҳайвонот дунёси ҳам ортти боради. Бугунги кунда яшил ҳудудларда кўен, қашқир, тулки, шоқол сингари ҳайвонларни учратиш мумкин. Энг асосийси, чорва учун жуда қўлай яйлвлар яратилмоқда. Бунинг натижасида аҳоли бандлиги таъминланади. Гўшт, сўт маҳсулотлари нархи арзонлашади. Яна бир муҳим жиҳати шундаки, бу ерларда асарларчиликни йўлга қўйиш мумкин. Асарларлар ўрмонзорлардаги чўл ўсимлик гулларидан 50 фоизгача асал йиғади. Сайёҳлар учун эса экотуризм ривожланади. Бундан ташқари, яна кўллаб лойиҳаларни амалга оширса бўлади. Олдинлари бу гапларни биров айтса ўзим ҳам ишонмаган бўлардим. Лекин энди бу гапларни мен айтганман. Оролга ўз ҳаётини, билимини бахшида қилган инсон сифатида айта оламаники, бу ерларнинг келажакга порлоқ.

Зиновий Новицкий билан суҳбатимиз икки соатга қўзилди. Қишнинг қаҳратон соҳуқларига қарамасдан фидойилик билан меҳнат қилаётган ватандошларимизни бугунги кун қаҳрамонлари деб эътироф этсак арзийди.

ЧЎЛГА ҲАЙВОНЛАР КЕЛМОҚДА

Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар мамлакатимизда мавжуд биологик ресурслари, хусусан, ноёб, камсонли, йўқолиб кетиш арафасида турган тиррик организмлар ва уларнинг яшаш муҳитини сақлаб қолишда, инсон фаолиятининг табиатга булган салбий таъсирининг олдини олишда, шунингдек, табиий жараёнларни ўрганиш, атроф-муҳит мониторингини олиб бориш, экологик таълим ва тарбияни такомил-



лаштириш мақсадида алоҳида аҳамият касб этади. Қорақалпоғистон Республикаси "Жанубий Устюрт" давлат қўриқхонаси ҳодимлари томонидан Устюрт платосида жойлашган Сарикаммиш қўлида ҳайвонот ва ўсимликлари рўйхатга олиш буйича мониторинг ишлари олиб борилган. Урганишлар натижасида Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига киритилган қўшлардан 10 та оқ қуш, 2 та сув бургути борлиги маълум бўлди. Шунингдек, 40 та қизил бош, 33 та қўқ бош, 61 та олмабош ўрақ, 4 та катта қорабой, 12 та сўфитўрағи ҳамда 20 та чайка рўйхатга олинди. Урганишлар Сарикаммиш қўлидан 10 километр узоқликда 3 та жайрон, 15 километр узоқликда 2 та қулпо яшайётганини аниқлашди. Шахпакта ҳудудида 2 та бўри, Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига киритилган 1 та чўл бургути, 12 та қора бовур ва 1 та оқ бовур аниқланган ва рўйхатга олинган.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ табиий фанлар илмий-тадқиқот институти директори ўринбосари, Биология фанлари доктори, профессор Светлана Мамбетуллова шундай дейди:

— Орол денгизи қадим денгизлардан ҳисобланиб, катталиги буйича дунёда тўртинчи ўринда турган ва бой табиий захиралари билан машҳур бўлган. Орол бўйи ҳудуди эса биологик бой табиий муҳит ҳисобланади.

Бу ерда ўсимлик ва ҳайвонот оламиди биологик хилма-хиллигини сақлаш ҳозирги куннинг долзарб масалаларидан бири. Табиий биотоплардаги ўзлаштириш жараёнларининг кучайиши, флора ва фаунага антропоген таъсир Орол бўйи минтақаси учун табиий ресурсларининг ҳозирги ҳолатини аниқлашда долзарб муаммо ҳисобланади.

Экологик омилларнинг интенсив таъсири ва бошқа кўрсаткичлар билан бир қаторда маълум даражада ўсимликлар қатламнинг фазада тарқалиши ҳамда Оролнинг қуриган жойларида яшайдиган ҳайвонот олами вақилларининг сон динамикаси ва хулқ-атворига интенсив таъсир қилади.

Бизнинг дала тадқиқотларимиз натижасида саксовул экилган ҳудуддан шоқол, тулки ва жайрон излари топилди. Мутахассисларимиз тўлай қўёнлари ва ўрмон мушугини ҳам қўришди.

Сувий экилган саксовул ҳудудларида йилнинг қишқи даврларида бизнинг орнитологларимиз 15 турдаги қушларни, жумладан, дала бўқтариғи, оқ сор, сарик сор, чўл бургути, қирқочора, бургут, қорабовур, укки, бойўғли, сўфитўрағи ва саксовул чумчуғи турларини қайд этди.

Демак, Орол денгизининг қуриган тубида саксовул ўрмонларида флора ва фаунанинг биологик хилма-хиллигининг қўлайиши, чўл экотизимларининг унумдорлигини ошириш учун жуда муҳим ҳисобланади.

АЙДИНЛАР

Янгилаётган Мўйноқ кўчаларини кезар эканмиз, баҳорнинг илқ, майин шабдаси юзингизга урилиб, хуш кайфият бағишлади. Йўл бўйида саксовуллар "Мана, биз томонга ҳам ҳаёт кириб келди" дегандек секин тебранади. Катта йўл чеккасидаги рангли ёриткичлар бизни беихтиёр ўзига жалб қилди. Ерунда иккита кемадан байроқлари баҳор шамолдан илҳом олиб, пирлятур бўлибди.

"Оқ кема" болалар дам олиш оромоғида Мўйноқдаги кенг қўламли исплохотлар ҳақида ҳикоя қилувчи "Айдинлар" фильмининг тақдироти тўғрисида-тўғри эфрда узатилаётган экан. Фильмда ўзи тўғилиб ўсган маконини ташлаб кетишга мажбур бўлган аҳоли ва бугунда уми қалдирғочлари қайтгани ҳақида ҳикоя қилинди. "Айдинлар" қўшиги аслида денгизга кетган ёрини қутаётган, фильмда эса рамзий маънода Оролнинг қайтишини қутаётган мўйноқликларнинг олдинги ва бугунги ҳаёти тасвирланган.

Сафаримизни тугатиб йўлга тушдик. Арислон ўртоғим иккимиз барчамизнинг қалбимиздан жой олган "Айдинлар" қўшигини жўр бўлиб қулайдик. Айдинлар, айдинлар, мавжли айдинлар, Биздан сўя ёрга, салом айтинглар...

ЯНГИЧА ЁНДАШУВЛАР



ТОМОРҚАЛАРДАГИ ИССИҚХОНАЛАР

Расулжон КАМОЛОВ, журналист

Азалдан дехқончилик, боғдорчилик, чорвачилик билан шугулланиб келган Фарғона туманидаги "Новкент" маҳалласи аҳли ҳар қарич ердан самарали фойдаланишга ҳаракат қилади. Иситиш тизими, электр энергияс талаб қилмайдиган иссиқхонада қўзиқорин, цитрус мева, сабзавотлар етиштирилмоқда.

Қобилахон Мадиерова бу соҳада яхши тажриба тўплади. Кам ҳаражат, ортиқча меҳнат талаб қилмайдиган қўзиқорин йил давомида ҳосил беради. Хонадондаги мўъжаз иссиқхонада баравж ривожланаётган экин ҳосил чўгидан дарак бериб турибди. Нархи ҳам чакки эмас. Аини кунда бир кило-

грамм маҳсулотнинг улгуржи нархи 15 минг сўм.

— Тошкентдан уруғ олиб келиб самарасини синаб кўрдик. Натижа чакки бўлмади, — дейди Қобила опа. — Ҳозир икки сотих жойда қўзиқорин етиштирялмиз. Уни парвариллаш жуда оддий. Иккиламчи хомашё — шелуха махсус қопларга жойланиб, уруғ қадалади, қишда иссиқ жойда, ёзда салқинда парвариллашга қўйилади. Уруғлар ун-ўн беш кунда ҳосил бера бошлайди. Икки килограмм шелуха солинган битта қопга жойланган уруғлар 10–12 килограммгача ҳосил беради. Бу ишларга қўл уриб кам бўлганимиз йўқ. Уй-жой, оиламиздаги фаровонлик ҳамжиҳатликда қилинган меҳнатимиз маҳсули.

Қўзиқорин таркиби кальций, фосфор, олтингургут, йод каби микроэлементага бой. Имунитетни мустаҳкамлашга ёрдам беради, кон томирларини тазолаб, холестеринни камайтиради. Асаб тизими учун фойдали. Мутахассислар қўзиқоринларни ортиқча тана вазиға эга бўлган одамларнинг рационаги қиритишини тасвир-

қилади. Чунки у жуда тўйимли.

Қобила опанинг оиласида бошланган ташаббуснинг маҳалладаги издошлари кўпайиб бормоқда. Хонадон эгалари томорқачиларга қўзиқорин экиш, уруғ етказиб бериш ишларида ёрдам бермоқда, йўл-йўриқ қўрсатиб даромад топмоқда.

Нодиржон Исмомлов оиласи "Темир дафтар"га киритилган. Касб-ҳунари бўлмаган оила ёлланма иш билан шугулланади, топгани рўзгордан ортмайди. Хўжалигида томорқаси бор, лекин ундан унумли фойдаланмаган. Маҳалла мугасаддилари бу оилага субсидия асосида иссиқхона қуришга ёрдам берди. Унга лимон кўчатлари ўтказилди, экинлар ораллигида сабзавот экинлари, қўзиқорин парвариллашга қўмаклашди. Қўзиқорин ва сабзавотлар тез кунларда бозорга чиқади.

— Ҳудудимизда ишлаб чиқариш корхоналари йўқ, Лекин томорқачилик ривожланипти, янги лойиҳа ва ташаббуслар қўллаб-қувватланмоқда, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Мамарўзи Мадмаров. — Утган йил банк

томонидан ажратилган имтиёзли кредит туфайли 56 та хонадонда иссиқхона қурилди. Аини кунда яна 30 та ана шундай лойиҳа амалга оширилди. Шу кунга қадар кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож 9 та оила муқим даромад манбаига эга бўлгани учун "Темир дафтар"дан чиқарилди. Маҳалламизда бекор юрган одам, бўш қолган томорқа йўқ. Йилнинг тўрт фаслида кафтдек ердан унумли фойдаланаётган томорқачилар сафи кундан кунга ортиб бормоқда. Аини кунда 32 нафар ишсиз хотин-қизнинг 22 нафари "Одис-Афрўз" ва "Vodiy Shoes" ишлаб чиқариш корхоналарига ишга жойлаштирилди, 5 нафари қайта касбга ўқитиш учун йўналтирилди, 5 нафарига ҳуқуқий, психологик маслаҳатлар берилди. Натижада камбағал, ижтимоий ҳимояга муҳтожлар кундан кунга камайиб бормоқда.

Жорий йил апрель ойининг дастлабки кунидан бошлаб "Томирча қўзиқорин" тўғрисидаги конун қучга кирди. Унда шахсий томорқа ер участкаларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ҳам эр-

кин савдо учун, ҳам оила эҳтиёжлари учун етиштириш (қайта ишлаш) билан боғлиқ меҳнат фаолияти экани, у тадбиркорлик фаолияти ҳисобланмаслиги ва томорқа хўжалигини давлат рўйхатидан ўтказиш талаб этилмаслиги белгилаб қўйилди. Яна бир муҳим жиҳати, ажратилган шахсий томорқа ер участкасида етиштирилган (қайта ишланган) қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари хусусий мулкдир. Бу томорқа эгаларининг ҳар қарич ердан самарали фойдаланишга, келгуси авлодга ҳам унумдор ва сердаромад томорқани қолдирришга бўлган масъуллигини оширади.

Раёвон қўчалар, табиий газ, электр, тоза ичимлик суви таъминотида ташаббускор, савоҳатпеша томорқачиларнинг ҳиссаси катта. Халқ хашари асосида 1600 метр масофага тоза ичимлик суви тортилди. Саодат, Ибрат, Навқирон қўчаларига шағал тўкилди. Форобий ва Саодат қўчалари кесимишмасида светофор ўрнатилди. Аини кунда янги суви қудуғи қазилмоқда. Бу уч минг нафардан ортиқ аҳолининг тоза ичимлик сувга бўлган талабини қондиради.

ЎЗГАРИШ СУРЪАТЛАРИ

Пўлатдан мустаҳкам, ўргимчак тўридан ҳам нозик. Бу — ипак толасига берилган таъриф. Таъбир жоиз бўлса, соҳанинг ўзи ҳақида ҳам худди шундай десак бўлади. Зеро, сўнгги тўрт йил мобайнида ушбу тармоқда амалга оширилган ишлар давлат қўмағидек мустаҳкам асосда, пиллачилиқнинг барча нозик жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда бажарилмоқда.

Бу йўналишдаги асосий кадам эса Президентимизнинг 2017 йил 29 мартдаги “Ўзбекипаксаноат” уюшмаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида бошланган эди. Шундан сўнг ўтган тўрт йил мобайнида соҳа ривожига қаратилган бир қатор фармон ва қарорлар қабул қилинди. Энг асосийси уларнинг ижроси қатъий назоратга олинди.



ПИЛЛАЧИЛИҚДАГИ ИСЛОҲОТЛАР САРҲИСОБИ: тараққиётни ифодалаётган натижалар



Баҳром ШАРИПОВ, Ўзбекистон Республикаси Пиллачилиқ ва қорақўлчиликни ривожлантириш қўмитаси раиси

наларнинг мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражаси 17,9 фоизни ташкил этган, экспорт ҳажми 21 миллион долларга тенг бўлган. Экспорт географияси эса бор-йўғи 4 та давлатдан иборат эди. Бугун бу рақамлар бизга эриш туюлиши табиий. Чунки ислохотлар бошлангандан бери, яъни кейинги тўрт йил мобайнида бу кўрсаткичлар бир неча баробарга ортибгина қолмай, соҳада кўплаб янгиликлар ҳам жорий этилди. Улардан энг биринчиси — ипак қўртининг аввалгидек бир эмас, балки тўрт мавсумда боқилиши бўлди. Ушбу маррага эришиш учун ислохотлар аввало пиллачилиқ озуқа базасини мустаҳкамлашдан бошланди.

Бунда 4 йил аввал мамлакатда мавжуд тўтзорлар хатловдан ўтказилиб, янги плантациялар барпо этишга киришилди. Натижада, 2017–2019 йилларда 2 248,5 минг гектар ер майдонида янги тўтзорлар ташкил этилиб, улар майдони 48,5 минг гектарга кенгайди. 2020 йилда мавжуд тўтзорлар 50 272,8 гектарга, яъна қатор тут дарахтлар сони 85 493,7 минг тулга етказилди. 2017–2020 йилларда жами 181 014,1 минг туп тут қўчатлари экилди. 2021 йилда ҳам озуқа базасини мустаҳкамлаш ишлари давом эттирилмоқда. Жумладан, жорий йилда тўтзорлар майдонини 56 минг гектарга етказиш режалаштирилган.



Остида товланган гўзаллиқни ўзи билан олиб кетишга иштиёқ уйғотади. Мамлакатимиз эса бундан аҳлишигина фойда кўради, ҳунармандлар меҳнати ҳам муносиб рағбат топади. Бунинг самарасида асрлар оша бизгача етиб келган аҳуналар сақланади, ёшларнинг миллий хунармандчилик анъаналарига қизиқиши ортади. Қолаверса, пиллачилиқ корхоналари қошида ташкил этилаётган хунармандлар марказлари, меҳмонхоналар, миллий буюмлар дўконлари ва бошқа объектлар мамлакатимизда ички ва ташқи туризмни ривожлантиришга ҳизмат қилади.

Ресурс тежамкор технологияларни жорий этиш, пиллачилиқда чиқитиш ишлаб чиқариши ривожлантириш — бу соҳа ривожини яна бир муҳим йўналиши. Шуниси эътиборлики, ҳозирда мамлакатимиз бўйлаб ишлаб турган 74 та корхонанинг ҳар бирида пилладан топа ажратиб олиш жараёнида қандайдир 15 тонна сув ишлатилади. Пилла сувда юмшаб, таркибидеги 18 хил аминокислота ва фибрин, серицин моддалари эриб, унинг таркибини бойити.

Шу пайтгача ушбу бойитилган сув тўлиқ канализация тармоғига оқизилган. Илк бор мени уйлантирган нарсаси ҳам шу бўлди. 2017 йилда ўзим раҳбар бўлган корхонада бир тажрибани синая кўрмоқчи бўлдим. Ишлаб чиқаришдан чиққан сувни оқова тармоққа эмас, тўтзорга чиқиб кетадиган қилиб қўйдик. Натижада тутлар мисли кўрилмаган даражада барқ уриб, ривожланди. Айниқса тут баргининг намлиги юқори бўлди. Тут баргининг теъдаси қўриб қолмаслиги озуқанинг исрофи бўлмаслигини таъминлайди. Чунки барг қуримаса, ипак қўрти уни охиригача ейдими, чиқит қолдирмайди. Бу тажрибани бошқа корхоналарда ҳам қўлладик. Ҳозирда ипак саноати корхоналарининг ҳар бири қошида иссиқхоналар ва тўтзорларда ишлаб чиқаришдан чиққан сувлардан тўлиқ фойдаланиш йўлга қўйилди. Шуниси эътиборлики, бойитилган сувдан экин етиштиришда фойдаланиш ўғитга эҳтиёж қолдирмайди.

Бундан ташқари, пиллани қайта ишлаш корхоналари буғ билан ишлайди. Авваллари иссиқ буғ шунчаки ҳавога чиқариларди. Ҳозирда эса пиллани қайта ишлаш цехларидан чиққан буғ ресурси махсус қувурлар ёрдамида иссиқхоналарини иситишда фойдаланилганди. Натижада ёқилғига сарфланадиган харажатлар бўлмади, фойда устига фойда бўлади.

Юқорида келтирилганлар — бу пиллачилиқ ривожини билан боғлиқ фойдали, даромадли жиҳатларнинг айримлари, ҳолос. Тармоқ давлатнинг ишончли елкасига суянган ҳолда тобора мустаҳкамланиб, ўсиб бораётгани аҳоли турмуш фаровонлиги умуми вазиралиқнинг ҳал қилишини ортақча тушунишининг ҳожати йўқ. Пиллачилиқ кластерларининг ўтган йилги даромади ҳам бунинг ёрқин далили бўлди. Ваҳоланки, бу айнан тўрт йил аввал бошланган ва бугунги кунда авж паллага кирган ислохотларнинг натижаси ва махсулидир.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасида пиллачилиқ ва қорақўлчиликни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони ва “Ўзбекистон Республикаси Пиллачилиқ ва қорақўлчиликни ривожлантириш қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори билан соҳадаги давлат бошқаруви органи — Пиллачилиқ ва қорақўлчиликни ривожлантириш қўмитасининг ташкил этилиши тармоқ тараққиётининг сифат жиҳатдан янги босқични белгилаб берди.

Натижа ҳам шунга яраша. Жумладан, 2020 йил якунлари бўйича пиллачилиқда йилда 4 мавсумда 403,5 минг кути ипак қўрти парваришланиб, 21,4 минг тонна пилла хомашеси етиштирилди. “Ўзбекипаксаноат” уюшмаси таркибидеги корхоналар сони 91 тага етказилди, шундан 11 таси хорижий инвестициялар иштирокидаги қўшма корхоналардир. Олиб борилган ишлар натижасида 2020 йилда 76,5 миллион долларлик ипак махсулотлари экспорт қилинди. Яъни, пиллачилиқ саноати мамлакатимизга айнан шунча фойда келтирди, деган сўзлар. Жорий йилда эса соҳада экспорт ҳажми йил якунида 86,7 миллион АҚШ долларига етиши кўтилмоқда.

Соҳадаги бандлик — алоҳида масала. Жумладан, ўтган йили тизимда республика бўйича жами иш билан банд бўлганлар сони 761 минг нафарни ташкил қилди. Жорий йилда янги иш ўринлари яратилиши ҳисобида жами 862,5 минг нафар аҳоли соҳага қамраб олинди. Бу соҳага берилаётган эътибор самарасининг мубайя жиҳати, ҳолос. Агар унинг ижтимоий-иқтисодий ва инновацион йўналишдаги қўшимча натижаларини ҳам ҳисобга

Бунда 4 йил аввал мамлакатда мавжуд тўтзорлар хатловдан ўтказилиб, янги плантациялар барпо этишга киришилди. Натижада, 2017–2019 йилларда 2 248,5 минг гектар ер майдонида янги тўтзорлар ташкил этилиб, улар майдони 48,5 минг гектарга кенгайди. 2020 йилда мавжуд тўтзорлар 50 272,8 гектарга, яъна қатор тут дарахтлар сони 85 493,7 минг тулга етказилди. 2017–2020 йилларда жами 181 014,1 минг туп тут қўчатлари экилди. 2021 йилда ҳам озуқа базасини мустаҳкамлаш ишлари давом эттирилмоқда. Жумладан, жорий йилда тўтзорлар майдонини 56 минг гектарга етказиш режалаштирилган.

опадиган бўлса, сўнгги йилларда пиллачилиқни ривожлантириш бўйича олиб борилаётган ислохотлар нақадар муваффақиятли бўлганини исботи билан кўраем. Ваҳоланки, бор-йўғи тўрт йил аввал вазият мутлақо бошқача эди.

2016 йилга келиб йиллар давомида эътиборсизлик тўғрисида мамлакатимизнинг пиллачилиқ соҳасидаги салоҳиятини энча қисми йўқотилган, вилоятларда мавжуд заводлар хомаше камлиги боис бор-йўғи 2-3 ой ишлаш, ипак толаси ва бошқа материаллардан юқори қўшилган қийматли тайёр махсулот ишлаб чиқариш тўғрисида умуман сўз юритилмас эди. Бандлик ҳам шунга яраша паст, фақат мавсумий бўлганди. Рақамлар ҳар қандай вазиятнинг энг ҳолос гувоҳи. Жумладан, 2016 йилда ишлаб чиқарилган корхона

қилиниши ва кесиб кетилишининг олди олинди. Жумладан, 2020 йилда 34,2 минг гектар тўтзорлар оралиғига қишлоқ хўжалиги экинлари экилган. Қишлоқ жойлардаги оилалар эса каттагина даромад манбаига эга бўлди. Чунки, каттагина ер майдонларида етиштирилган сабзавотлар тўлиғича оилаларнинг ўзига қолади. Бу ҳам бўлса пиллачилиқнинг ижтимоий фойдали жиҳатларидан бири.

Умуман, пиллачилиқ тармоғи бугунги замон талабига мос равишда равнақ топмоқда. Унинг яна бир ижтимоий-иқтисодий жиҳати бевосита туризм ривожини билан боғлиқ. Жумладан, аксарият ҳолларда хунармандларнинг қўл меҳнати билан тўқилган бир-биридан гўзал матолар, ипак каштачилик санъати намуналари, шойи пиллалар ҳар қандай сайёҳнинг қалбини ром этади, саҳий қўёш нурлари

МАҲАЛЛА ЎЗГАРСА — ЖАМИЯТ ЎЗГАРАДИ

“МАҲАЛЛАБАЙ” ТИЗИМ АФЗАЛЛИКЛАРИ

Рўзимбой ҲАСАН, “Янги Ўзбекистон” мухбири

Президентимиз ташаббуси билан бошланган “маҳаллабай” ишлаш тизими оддий фуқаро ва давлат ўртасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлашга, бирор муаммо юзга келса, тезкор ўрганиш ва жойида ечим топишга хизмат қилаётгани билан эътиборга лойиқ.

ЯРИМ АСРЛИК МУАММО ҲАЛ БЎЛДИ

Хоразм вилояти Богот туманининг Деҳқонобод ва Қулон Қорабоғ қишлоқлари ёнма-ён жойлашган. Қулон Қорабоғнинг чекка худуди ҳисобланмиш “Қорабоғ” маҳалласи Қулполлар кўчасида яшовчи элик хонадоннинг фарзандлари қўшни қишлоқдаги мактабда таҳсил олади. Оралик масофа беш юз кадам, аммо ўртадаги катта ва чуқур зовурга кўприқ қуриш масаласи ярим асрлик, катта муаммо эди. Шунча пайт қишлоқ одамлари қўлбола усулда қурган кўприқдан бир амаллаб фойдаланиб келинди. Ниҳоят шу муаммо ижобий ҳал этилди.

“Ростини айтиш, бизнинг чекка қишлоққа охириги чорак асрда бирор ҳокимнинг қадами тегмаганди. Шу масала бўйича неча марта мурожаат қилганмиш. Аммо турли баҳоналар топишган...”

Яқинда туман ҳокими келиб, мавжуд ҳолатни ўз кўзи билан кўрди, шу ерда аҳоли билан суҳбатлашди. Тезда кўприқ қуриш бўйича масъулларга топшириқ берди. Қарангли, майда кўринган бу муаммо токи ҳокимнинг ўзи келмагунча ечимини топмаётганди. Президентимиз раҳбарларга кабинетларда ўтирмай, халқ орасида бўлиш, уларнинг муаммо ва дардлари ичиде яшашни қайта ва қайта таъкидлапти. Масъуллар давлатимиз раҳбари айтган топшириқларни бажариб, халқ орасига кирса, барча муаммоларга, албатта, ечим топилади”.

Бу эътироф саксон беш ёшли меҳнат фахрийси Мадрим бува Аҳмедовага тегишли.

ОБОД МАҲАЛЛАДА ОДАМЛАР ФАРОВОН ВА МУАММОЛАРСИЗ ЯШАЙДИ

Вилоят ва туман марказлашидан чеккада жойлашган қишлоқлардаги маҳаллалар узоқ йиллар давомида эътибордан четда қолгани, фуқаролар турли муаммолар гирдобиде яшагани бор гап. Шу боис, Президентимизнинг қишлоқ аҳолисининг шаҳардан кам бўлмаган шароитда яшаш истганини рўёбга чиқариш учун бугун бу ишга давлат бюджетидан катта маблағлар ажратилмоқда.

Аслида бирор қишлоққа ёки маҳаллага кириб боришдан олдин шу худуднинг ободлиги, кўркам қиёфа кашф этилиш ҳақида бош қотириш керак. Негаки, обод қишлоқда, обод маҳаллада фуқаролар фаровон ва, албатта, муаммоларсиз яшайди.

Амалдаги йилда Богот туманидаги 43 та маҳалланинг қиёфасини тамомлаи замонавий кўринишга келтириш, “Обод маҳалла” давлат дастурини бекаму кўст бажариш учун 84,9 миллиард сўм ажратилган. Дастурга киритилган иккита маҳаллада ободонлаштириш, қурилиш жараёни тизимли давом этмоқда. Бундан ташқари, худудларни баҳолаш натижаларига қўра туманда бешта маҳалла нисбатан оғир деб топилган.

Туман ҳокими тонг саҳардан иш кунини айнан маҳаллаларда бўлиш, хонадонларга бирма-бир кириш, фуқаролар билан бевосита мулоқот қилишдан бошлашни одат қилгани, бунинг натижасида йилнинг ўтган уч ойида маҳаллаларда мавжуд муаммолар ва фуқароларни қийнаётган масалалар бирин-кетин ўз ечимини топмоқда.

БОШ ШИФОКОР ҲАЛ КЕЛДИ

“Ўзғариш” маҳалласида яшовчи биринчи гуруҳ ногирони Саъдулла ота Мавлоновнинг дил сўзларини айнан келтирамиз:

“Тақдир эканки, оғир хасталаниб, тўшаққа михланиб қолдим. Қўзим Нурпошига ҳам иккинчи гуруҳ ногирони. “Туман ҳокими сизни кўргани келди!” деган хабарни эшитганимда қўлоқларимга ишонмадим. Рост экан. Ҳоким қизим иккалаимиз билан узоқ суҳбатлашди, қандай ёрдамга муҳтожлигимизни сўради. Хаста одамда соғлиғини тиклашдан бошқа қандай оруз бўлиши мумкин? Кекса ва касал одамни кўришга қуруқ қўл билан келмагани, турли озиқ-овқат махсулотлари келтиргани учун ҳокимга раҳмат айтдим, қизим ва ўзим ҳам мунтазам даволанишга эҳтиёж сезишимизни билдирдим.

Шу кунгича ҳоким топшириғи бўйича туман марказий шиқонахона бош шиқокори уйимизга келди. Бизларга даволаниш учун ордер ҳамда зарур дори-дармонлар беришди.

Телевизорда Президентимиз ташаббуси билан жойларда “маҳаллабай” ва “фуқаробай” усулда ишлаш тизимини йўлга қўйилганини эшитардик. Энди эса бу тизимнинг нақадар халқпарвар эканлига ўзимиз гувоҳ бўлдик. Халқ учун қайишаётган инсонлар ҳаммиса соғ бўлсинлар!”

Туманда жорий йилда ички йўлларни таъмирлашга 10,2 миллиард, ичимлик сув ва оқова сув тармоқлари узлуксиз ишлашини таъминлаш учун 12 миллиард сўм сарфланиши кўзда тутилган. Бу жараёнда салкам 70 километр ички йўллар замонавий қиёфага кирди ёки салкам ўн уч минг аҳоли тоза ичимлик сувидан баҳраманд бўлади.

Электр таъминоти яхшилашга 8,5 миллиард сўм ажратилган. Бу билан янгидан 69,3 километр электр тармоқлари тортилади, юқори қучланилиги 32 та трансформатор ўрнатилди, 1173 та симёғоч алмаштирилади. Ёки 37 та маҳалладаги ўн икки

мингга яқин аҳолига электр энергияси барқарор етказиб берилди.

Шу ўринда ушбу тадбирлар айнан фуқаролар мурожаатлари ўрганилгач, дастурга киритилганини эслатиб ўтиш жоиз.

БИР КУНДА 21 АЁЛ ИШЛИ БЎЛДИ

Қўлгина маҳаллаларда ишсиз ёшлар ва хотин-қизлар бор. Айниқса, чекка, туман марказига узоқ маҳаллаларда бу ҳолни кўп кузатиш мумкин. “Маҳаллабай” ишлаш тизими давомида кўпгина фуқаролар айнан иш билан таъминлаш бўйича мурожаатлар қилишади. “Нурафшон” маҳалласида уйма-уй юриб, фуқаролар муаммолари ўрганилганда, бу масала юзга қалқиб чиқди ва... Яхшиси, бу ёғини шу маҳаллада яшовчи Шаҳноза Панаева айта қолсин:

“Ҳоким билан маҳалламизда бўлиб ўтган мулоқот вақтида ишсиз эканимни айтдим. Мен каби уйда ишсиз ўтирган аёллар оз эмасди. Маҳалламизда узумчиликка ихтисослашган йирик фермер хўжалиқлари бор. Туман ҳокими фермерларнинг йиллик даромадлари ва ишчи кучи ҳақидаги маълумотларни ўрганилган экан, шу куннинг ўзидаёқ 21 аёлни, жумладан, мени ҳам ишга жойлаштирди. Юз кадам масофада жойлашган фермер хўжалигида ишлаш қийинчилик туғдирмайди, яна маоши ҳам эҳтиёжimizга етади.

Шу пайтгача уйда ишсиз ўтирган аёллар ҳолидан хабар олинмаганди. “Маҳаллабай” тизим бизларнинг орзумиз рўёбига хизмат қилди”.

Президентимизнинг “Маҳалла раиси — ислохотчи” тамойили аста-секинлик билан амалга ошмоқда. Аммо тан олиш керак, аксар маҳалла фуқаролар йиғинлари ўз биноларига эга эмасди. Улар эски, мослашган ва ҳатто фуқаролар уйларида фаолият юритишарди. Ўз бошланаси бўлмаган маҳалла раисидан қандай иш талаб қилиш мумкин?

Туманда жорий йилда 17 та маҳалла биноси янгидан қурилади ва таъмирланади. Шунингдек, аҳоли, айниқса, ёшларнинг бўш вақтларини маълумли ўтказиши, спорт билан мунтазам шугулланиши учун янги спорт майдончалари қуриш режалаштирилган.

ДАФТАРЛАРДАГИЛАР ДОИМО ЭЪТИБОРДА

Туманда “Темир дафтар”да рўйхатда турган 7 та оиладан 4 таси, “Аёллар дафтари”даги 180 хотин-қиздан 148 нафарни ва “Ёшлар дафтари”даги 267 ёшдан 252 нафарнинг доимий бандлиги таъминланди. Булар — йил бошдан буён қилинган ишлар. Бунда аёлларга ўз бизнесини бошлаш учун имтиёзли кредитлар ажратилган бўлса, ёшларга “Ҳар бир ёшга — бир гектар” дастури доирасида ер майдонлари берилди. Бундан ташқари, туманда битта кичик саноат зонаси ташкил қилиниб, 43 лойиҳа амалга оширилиши натижасида 343 та янги иш ўрни яратилди. Уларга, асосан, кам даромадли хонадонлар аъзолари ишга қабул қилинди.

“Қорабоғ” маҳалласида яшовчи Назокат Отажонованинг миннатдорлик сўзларидан: “Турмуш ўроғим вафот этган. Икки фарзандим билан қийналиб қолганим сабабли “Темир дафтар”га кириштириш, мунтазам моддий ёрдам бериб келишяпти. Рўзгоринг кемтиклири кўп бўлар экан. Шу муаммоларимни биринчи сектор раҳбари — ҳокимимизга айтдим. Шу кунгича уйимга тортилан ва эскирган электр симларини янгиллаб, электр ҳисоблагич ўрнатиб беришди. Қизил ярим ой жамияти ходимлари келиб, моддий ёрдам кўрсатишди. Бу савобли иш бошида турган инсонларни дуо қилиб ўтирибман”.

МАҲАЛЛАБАЙ, “ФУҚАРОБАЙ” ТИЗИМДА УЙМА-УЙ

Юриб, фуқаролар муаммолари ўрганилганда турар жойга эҳтиёжманд оилалар қўлиги маълум бўлди. Мазкур масалани ҳал қилиш учун уй-жой фондиди ривожлантиришга жами 5,1 миллиард сўм ажратилганди. Бу маблағ эвазига 4 та маҳалладаги яқна тартибдаги 199 та уй-жойни таъмирлаш ва яқна тартибдаги 392 та уй-жой қуриш режалаштирилган. Бу билан кўплаб оилаларнинг уй-жой шароити яхшиланади.

Худуд учун тамомлаи янгиллик бўлган ҳолат: туман марказида етти қаватли иккита турар жой қад ростляпти. Шу вақтгача туманда асосан икки ва тўрт қаватли турар жойлар қурилган.

Президентимиз амалдаги йилда 52 мингга оила учун турар жойлар қурилиб, фойдаланишга топширилиши, кейинги йиллардан бу рақам ҳар йили 100 мингга етказилиши ҳақида айтганди.

Агар ушбу рақамни туманлар кесимида таққосласак, Боготда ўтган йилларга нисбатан кўпроқ турар жойлар барпо қилинаётганига гувоҳ бўламиз.

Аслида янги тизим жорий қилинган ҳақида у мунтазам амалиётга айлангани, қисқа фурсатда юзлаб фуқаролар муаммолари ечим тогани ва топаётгани сабаб мундариғидан олдин хулоса чиқаришга ҳаққимиз.

Негаки, барча сектор раҳбари иш кунини маҳаллалардан, хонадонлардан бошлашяпти.

Негаки, муқаддам майда бир масалага ечим излаб, туман ва ҳатто вилоятга қатнашга мажбур фуқаролар эшигига мутасаддилар ўзлари: “Не муаммойнингиз бор?” деб келишмоқда.

Негаки, ҳар бир муаммо ҳал бўлиши учун маблағ зарурлигини эслатсак, давлатимиз фуқаролар манфаатларини қўзлаб худудларга катта миқдорда маблағлар ажратяпти.

Негаки, “ислохот ислохот учун” эмас, “ислохот оддий халқ — ҳар бир фуқаро учун” амалга оширилмоқда.

Негаки, бу янгилик бошида Президентимиз туррибди.

ТАЪЛИМ ВА ИСЛОҲОТ

ТУМАНДАГИ ИНСТИТУТ ФИЛИАЛИДА

маҳаллий шароитга мос кадрлар тайёрланади

Юртимизда ёшларнинг билим олиши учун барча шарт-шароит яратилмоқда. Айниқса, олий таълим муассасаларида ўқишни истовчиларга ҳар йили янги имтиёзлар берилляпти. Хусусан, республикада янги олийгоҳлар ташкил этилиб, қабул квоталари кўпайтириляётганига гувоҳ бўляпмиз.

— Шаҳрисабз пойтахт Тошкентдан қарийб 400, Қарши шаҳридан эса 100 километр узоқда жойлашган. Малакали илмий педагоглар тақчиллиги ёхуд талабалар қамровида муаммолар сезилмаяптими?

— Тошкент кимё-технология институтининг Шаҳрисабз филиалига талабаларни қабул қилиш 2019-2020 ўқув йилидан бошланган. Дастлабки ўқув йилида озиқ-овқат технологияси, консервалаш технологияси, функционал овқатланиш ва жиҳозлар, кимёвий технология, озиқ-овқат технологияси, виночилик технологияси, бижғиш маҳсулотлари ва алкогольсиз ичимликлар технологияси йўналишлари бўйича 117 нафар талаба қабул қилинган ва уларга 24 нафар профессор-ўқитувчи билим берган бўлса, ҳозир 50 нафар профессор-ўқитувчи 1 минг 221 нафар талабага сабоқ берапти.

Ҳозирча талабаларимиз озиқ-овқат технологияси ва саноат узумчилиги факультетида, 7 та таълим йўналиши бўйича (метрология, стандартлаштириш ва маҳсулот сифати менежменти, технологик жараёнлар, ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва бошқариш, технологик машиналар ва жиҳозлар, кимёвий технология, озиқ-овқат технологияси, виночилик технологияси, бижғиш маҳсулотлари ва алкогольсиз ичимликлар технологияси, функционал овқатланиш ва болалар маҳсулотлари технологияси) кундузги таълим шаклида тахсил олишляпти. Ёшлар келажақда кимё саноати ва озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлаш соҳасида муҳандис-технолог бўлиб етишади.

— Олийгоҳда сиртки бўлим ҳам мавжудми?

— Кундузги таълим шаклида 739 нафар талаба анъанавий тарзда тахсил олаётган бўлса, корхона, ташиқлотларда ишлаш билан бирга

олий маълумотли бўлиш истагидаги 482 нафар ёш 4 та таълим йўналиши бўйича сиртки бўлимга қабул қилинган.

— Собиқ коллеж биносида жойлашган ушбу олийгоҳда ўқув хоналари, талабалар учун ётоқхона етарлими?

— Шаҳрисабз туманида давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ташкил қилинган институт филиали учун ажратилган собиқ касб-хунар коллежи биноси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузурдаги Олий таълим муассасаларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан ташкил қилинган. Аммо ҳозирча талабалар ётоқхонаси йўқ. Давлат инвестиция дастурига асосан яқин келажақда 120 ўринли ўқув биноси ҳамда 500 ўринли талабалар ётоқхонаси қурилади. Бундан ташқари, филиалнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан ўқув-илмий ишлаб чиқариш лабораторияси ишга туширилади. Президентимизнинг 2020 йил ноябрда Қашқадарё вилоятига ташрифи чоғида берилган топшириққа асосан олий таълим вазирлиги ҳузурдаги Олий таълим муассасаларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан филиалда озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлашга ихтисослашган “Жараёнлар ва технологиялар” ўқув-илмий ишлаб чиқариш лабораториясини замонавий технологиялар билан жиҳозлаш белгиланган. Бундан қўланган мақсад — ёш мутахассислар амалий кўникмаларини эгаллаши учун имконият яратиш ҳамда дипломли бўлгач, ўз ишлаб чиқариш бизнесларини ташкил этишга ўргатиш. Айни пайтда лаборатория учун ажратилган бинони таъмирлаш лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрланяпти.

— Филиал базасида техникум ташкил қилиш ва коллежларни ортиқча олиш бўйича қандай ишлар олиб борилляпти?



— Таълим кластерини ташкил этиш ва таълим узлуқсизлиги эришиш мақсадида 2022-2023 ўқув йилида институт филиали қoшида касб-хунар ўргатишга ихтисослашган техникум ташкил этилади. Филиал тасарруфига ўтказилган коллеж биноси ҳамда асосий ўқув корпусларимизда яқин ҳудудлардаги умумтаълим мактабларининг 10-11-синф ўқувчилари учун олий таълим муассасаларига кириш синовларининг асосий фанлари бўйича тайёрлов курслари очганмиз. Бу курсларга тажрибали ўқитувчилар жалб этилган.

— Табиийки, талабаларнинг чуқур билим олиши, ўз мутахассислигини яхши эгаллаш, аввало, уларга сабоқ бераётган устозларнинг илмий даражаси, салоҳиятига боғлиқ...

— Илм даргоҳимизга таянч ва етакчи олий таълим муассасаларида малакали профессор-ўқитувчилар жалб қилинган. Жумладан, республиканинг нуфузли олий таълим муассасаларида ишлаган ва амалий тажрибага эга 3 нафар фан доктори, 4 нафар фан номзодаи, 6 нафар катта ўқитувчи талабаларга сабоқ берапти. Олийгоҳимизда салоҳиятли профессор-ўқитувчилар кўпайиши учун бу йилдан бошлаб етакчи олий таълим муассасаларида

тегишли соҳалар бўйича таянч докторантурада кадрларни мақсадли тайёрлаш чора-тадбирлари қуриляпти. 2020-2021 ўқув йилида 4 нафар мутахассис магистратурада, 10 нафар стажёр-тадқиқотчи, 2 нафар ёш мутахассис мақсадли докторантурада илмий ишларини давом эттиряпти. Филиалда илмий-тадқиқот ишлари ҳам олиб борилляпти. Яқинда “Ўздонмаҳсулот” АЖ, Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги ва “Тошкентнон” уюшмаси раҳбарлари ва етакчи мутахассислар иштирокида филиалнинг илмий ишлар ва инновациялар бўйича директор ўринбосари, техника фанлари номзодаи, доцент Сувокул Равшановнинг “Маҳаллий бугўди довларидан навли ун тортиш технологиясида гидротермик ишлов бериш жараёнини такомиллаштириш”, “Маҳаллий бугўди довларини навли ун тортишга тайёрлашда ер ости ва ичимлик суви таъсирини тадқиқ этиш” ҳамда “Маҳаллий бугўди довларидан тортилган унларнинг функционал хossalарини озуватки қўшимчаларсиз яхшилаш” мавзулари бўйича олиб борилляётган тадқиқотларда эришилган натижалар тақдими ўтказилди. Бу тадбирларда талабалар ҳам фаол иштирок этиб, тажрибаларини оширяпти.

“Янги Ўзбекистон” муҳбири Усмонали НОРМАТОВ суҳбатлашди.



Бундан йиғирма-ўттиз йил илгари қишлоқ туманларида институт очилди, десангиз биров ишонмасди. Чунки олийгоҳларнинг асосий қисми марказий шаҳарларда жойлашган бўлиб, айрим чекка туманлардан яқкам-дуқкам бола ўқиш бахтига муяссар бўларди. Кўпчилик ёшлар олийгоҳларга ишлаб ҳўжжат топширса ҳам талаба бўлиш орзуси ушамасди. Ҳозир эса ҳудудларнинг истиқболли ривожланиш дастурларидан келиб чиқиб кадрлар танқислигига барҳам бериш мақсадида олис қишлоқ туманларида ҳам соҳалар бўйича етук мутахассислар тайёрловчи институтлар ташкил қилинмоқда.

Қашқадарё вилоятининг Шаҳрисабз тумани ҳар томонлама тараққий этган эўша. Аҳоли зич яшайдиган бу туманда саноат корхоналари, ишлаб чиқариш кластерлари, ўрта ва кичик бизнес субъектлари йил сайин кўпайиб бормоқда. Бу корхоналарда ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун билимдон, иқтисдорли, салоҳиятли ва етук мутахассисларга эҳтиёж ортиб борапти. Аҳоли истиқомат қилиши учун аўзал ва истиқболли эўша деб эътироф этилаётган Шаҳрисабз тумани тараққийт йўлидаги режалардан келиб чиққан ҳолда Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 11 июндаги қарорига асосан Тошкент кимё-технология институтининг филиали ташкил қилинди. Филиал директори, кимё фанлари доктори, профессор Шўҳрат МУТАЛОВ билан илм даргоҳида қилинаётган ишлар ҳусусида суҳбатлашдик.

ЯНГИЧА ЁНДАШУВЛАР

КОВРАК АРЕАЛЛАРИДАН АРТЕМИЯ ЦИСТАЛАРИГАЧА

Воҳиджон ХАЙТБОЕВ,
Озод РАЖАБОВ,
Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси масъул ходимлари

“SMARTPATROL”
ВА ЭКОДАСТУРЛАР
МУҲОФАЗАСИДА

Кейинги йилларда мамлакатимизда экологик ҳавфсизлигини таъминлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, биологик хилма-хиллигини сақлаш борасида тизимли ишлар олиб борилмоқда. Соҳа тараққийтига йўналтирилган давлат дастурларида белгиланган долзарб вазифалар ижроси экотуристик салоҳиятни янада ошириш жараёни билан уйғунлик касб этаётгани муҳим аҳамиятга эга, албатта.

Ноёб флора ва фауна, миллий табиат боғлари ва қўриқланадиган ҳудудларнинг ўзига хос ландшафтига мамлакатимиздан ташқарида ҳам қизиқиш катта. Адирларнинг мафтункор манзаралари, тоғ қўллари, шаршаралар, чиройли гуллайдиган ўсимликлар, бетакор ҳайвонот дунёси, сув омборлари, петроглифлар, арчазору қайнзорлар узок-яқиндан кўнлаб сайёҳларни жалб этиши сир эмас. Шунинг учун Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг кундалик фаолиятида бу йўналишга алоҳида эътибор қаратиб келинади. Чикиндиларни йиғиш, ташитиш, тўплаш, қайта ишлаш ёки зарарсизлантириш борасидаги мавжуд масалалар моҳиятига инновацион ёндашув орқали ечимлар изланади.

ТАХЛИЛЛАР НИМАДАН
ДАЛОЛАТ БЕРАДИ?

Узоққа бормай, бундан 5-6 йил ил аввалги ҳолатни кўз олдимизга келтирайлик. Эколог инспекторлар ва қўриқоналар муҳофизлари замонавий йўлланмас ҳамда алоқа воситалари у ёқда туриш, оддий дурбин ва мавсумий уст-бошлар билан ҳам тўлиқ таъминланмаган эди.

Эндиликда аҳвол тамоман ўзгарган ва бу янгиланишлар сифат жиҳатидан тобора юқори босқичга кўтарилиб борапти. Соҳанинг моддий-техника базаси мустаҳкамлаёнаётгани, ўз навбатида, шу тизимда ишлаш истагини билдираётганлар сафини кенгайтиряпти.

Тоғли ва чўл йўлларда, қиру адирларда ҳаракатланадиган замонавий автомобилларнинг навбатдаги “партия”си яқинда

ҳудудларга тақсимлаб берилди. Барча қўлайликлар жамланган контейнерлар, тунги кўриш мосламалари, фотовидео “қопкон”лар масаласида ҳам муаммо йўқ.

Инспекторлар фаолияти самарадорлигини ошириш учун учувчисиз аппаратлар — дронлар харид қилинди.

Денгиз сатҳига нисбатан 6000 метр баландликкача кўтарила оладиган мазкур учувчисиз учиш аппаратлари бир соатга тўхтовсиз ҳаракат қила олади. Телеикни учиш режимида қараб соатига 72 километргача ошириши мумкин. Бу дронлар 7 чакиримгача олисликда бемалол парвоз қила олади. Пульз бошқаруви ҳам шунга мос равишда ишляйди. Учиш мосламаси 20 мегапикселли камера билан жиҳозланган. Умумий ҳажми 128 гигабайтгача бўлган тасвирларни хотирасига сиғдира олади.

ТАБИАТГА ЗАРАНИНГ
ТўЛОВИ КАТТА

Амалга ошириляётган чора-тадбирлар самарадорлигини кўчатириш, аввало, соҳанинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш билан узвий боғлиқ. Шу бoис, ўтган йилнинг иккинчи ярмида экология ва атроф-муҳит тизимида оид 4 та қонун ҳужжати, Президентимизнинг 2 та ва Вазирлар Маҳкамасининг 10 та қарори эълон қилинганлини алоҳида таъкидлаш жоиз. Жумладан, 2020 йил 5 октябрда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонунга асосан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс 197-модда билан тўлдирилди. Унга қўра, давлат экология инспекторларининг кўнуйи фаолиятига, текшириш ўтказиш ва ҳудудларни кўздан кечиришга тўсқинлик қилганлик, шунингдек,

экология соҳасидаги қонун ҳужжатларининг бузиллишларини бартараф этишга доир қўрсатмаларини бажармаганлик учун маъмурий жавобгарлик киритилди. Мазкур кодекснинг 261-моддасидаги қўшимчаларга қўра эса экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш туман (шаҳар) инспекцияларининг давлат инспекторларига маъмурий жавобгарлик ишларини олиб бориш ваколатлари берилди.

Ана шундан буён 83 мингдан ортиқ экологик назорат-профилактика ва тарғибот тадбири ўтказилиб, 52 мингдан зиёд ҳуқуқбузарлик аниқланди. Қўлланилган маъмурий жарималар 46,3 миллиард сўмни ташкил этди.

Табиатга етказилган 11 миллиард сўмлик зарар бўйича 42 та жиноят ишми қўзғатилди. Ҳуқуқбузарлардан 430 нафар ҳайвон ва парранда, 56 тонна доривор ва озиқ-овқатқоб ўсимликлар, 1,8 минг м³ ўтин, 160 та ов қурол, 1672 та ов анжоми далилий ашё сифатида олинди.

Дарахтларни кесишга мораторий жорий этилиши натижасида 165 минг дона (шундан 65 минг дона қимматбаҳо) дарахт сақлаб қўлинди. 3650 та (шундан 143 таси мансабдор шахс томонидан содир этилган) қонунбузарлик аниқланди. 18,7 миллиард сўм жарима ва зарар ҳисобланди.

Атроф-муҳитга юқори ва ўрта хавфли таъсир этувчи 240 та саноат корхонасида замонавий локал оқова сув тозалаш ишотларини ўрнатиш ва мавжудларини модернизациялаш дастури тасдиқланган. Бунинг натижасида экологик хавфли 270 дан ортиқ объект сув муҳофаза зонасидан чиқарилди.

Тошкент шаҳрининг Сергели саноат зонасидаги корхоналарда ҳосил бўлган ва Чирчиқ дарёси муҳофаза зонасига юқонунчи ҳоиллаштирилган 3 минг тоннага яқин маиший ва қурилиш чикиндилари бартараф этилди. Бундан ташқари, халқаро грантлар ҳисобидан 1 миллион АҚШ доллар қийматидаги 2 та мобил лаборатория ва 34 дона лаборатория уқунаси харид қилинди. 620 та корхонанинг 5,8 мингта манбасида 22,6 мингта тахлил ўтказилди.

ЧИҚИНДИ УЧУН ОНЛАЙН
ХИСОБ-КИТОБ

Аҳолига маиший чикиндиларни олиб чиқиш хизматлари учун тўловларни юри-тишининг биллинг тизими жорий этилгани, давлат экологик экспертизаси жараёни тўлиқ рақамлаштирилгани натижасида бу тартибда инсон аралашуви омилли чекланиб, шаффофлик таъминланди. “Экофонд” ахборот тизими йўлга қўйилиб, атроф-муҳит ифлосланганлиги учун компенсация



тўловини онлайн амалга ошириш имконияти яратилди.

Президентимизнинг 2020 йил 29 сентябрдаги “Маиший ва қурилиш чикиндилари билан боғлиқ ишларни бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” қарори қабул қилиниши билан каттик маиший чикиндиларни комплекс бошқариш соҳасига давлат-хусусий шериклики табиқ қилиш истиқболлари белгилаб берилди.

Ҳудудларни давлат-хусусий шериклик тамойили асосида тадбиркорлик субъектларига бириктириш бўйича жами 34 та туман-шаҳарни ўз ичига олган 16 та лойиҳа концепциялари тасдиқланди. Бугунги кунга қадар ДХШ лойиҳаси бўйича 7 та, жумладан, Наманган вилоятида 2 та, Бухорода 1 та, Фарғонада 3 та ва Тошкент вилоятида 1 та битим имзоланди.

“Йўл харитаси”га мувофиқ, 2021 йилда амалга оширилиши режалаштирилган 46 та лойиҳа юзасидан республиканинг 11 та ҳудудда 61 та туман (шаҳар)ни қамраб олишнинг назарда тутуви 35 та ДХШ лойиҳаси бўйича концепциялар ишлаб чиқилмоқда. Улар доирасида давлат томонидан 330 та махсус техника тақдим этилади. Хусусий шерик томонидан эса жами 342,3 миллиард сўмлик инвестиция киритиш орқали 385 та махсус техника, чикиндиларни сараловчи ва қайта ишловчи 28 та уқуна харид қилиниши, шунингдек, 2694 та янги иш ўрни яратилиши кўзда тутилган.

Лойиҳаларни ўз вақтида ишга тушириш натижасида ҳудудларда маиший чикиндиларни тўплаш ва ташиб кетиш хизматлари билан қамраб олиш даражаси 100 фоизга, чикиндиларни қайта ишлаш даражасини 38 фоизга етказиш режалаштирилган.

2021 йилда амалга оширилиши белгиланган вазифалар кўлими янада кенг. Хусусан, инспекцияларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга 9 миллиард сўм

йўналтирилиши ҳисобига улар 80 та автотранспорт воситаси, ортегника ва жиҳозлар билан таъминланади.

ЮРТ КЕЛАЖАГИНИНГ
МУҲИМ ЙўНАЛИШИ

Кейинги пайтда Зомин, Нурота, Сурхон қўриқоналари, Сайғачий мажмуа буюртма қўриқонаси, Хоразм миллий табиат боғи, “Жайрон” питомникларида капитал қурилиш ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ишлари доирасида 13 миллиард сўм ўзлаштирилди. Судочёе-Ақпетки давлат буюртма қўриқонаси чегараси ҳамда қатор давлат қўриқоналарининг қўриқланма зоналари белгиланди.

Тўдақўл ва Қўйимозор сув омборлари Халқаро аҳамиятга эга учинчи сув-боткоқлик ҳудуди бўйича Рамсар конвенцияси рўйхатига киритилди. Чотқол биосфера ва Ҳисор давлат қўриқоналарида синов тариқасида SMART патруль-қўриқлаш тизими жорий этилиши, ташриф марказлари қурилиши яна бир янгиликдир.

Ватанимиз шимолӣ сарҳадларида Судочёе-Ақпетки давлат буюртма қўриқонасини ташкил қилиш эвазига муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар майдони республика умумий майдонининг 8,5 фоизига етказилди. “Қизил китоб”га кирган ўсимлик ва ҳайвонот дунёси қамрови 76 фоиздан 94 фоизгача ортишига эришилди.

Шу йилнинг ўзида Қорақалпоғистондаги Қуйи Амударё давлат биосфера резервати, Бухородаги “Жайрон” питомниги ва муҳофаза этиладиган бошқа табиий ҳудудларда экологик туризмни ривожлантириш учун 8 миллиард сўм ўзлаштирилди. Марказий Қизилқўм миллий табиат боғи ва Оқтоғ давлат қўриқонаси ташкил этилади, Чотқол давлат биосфера қўриқонасининг қўриқланма зонаси белгиланади.

“66”
ҲУДУДЛАРНИ ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИК ТАМОЙИЛИ АСОСИДА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИГА БИРИКТИРИШ БҲИЙИЧА ЖАМИ 34 ТА ТУМАН-ШАҲАРНИ ЎЗ ИЧИГА ОЛГАН 16 ТА ЛОЙИҲА КОНЦЕПЦИЯЛАРИ ТАСДИҚЛАНДИ. БУГУНГИ КУНГА ҚАДАР ДХШ ЛОЙИҲАСИ БҲИЙИЧА 7 ТА, ЖУМЛАДАН, НАМАНГАН ВИЛОЯТИДА 2 ТА, БУХОРОДА 1 ТА, ФАРҒОНАДА 3 ТА ВА ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИДА 1 ТА БИТИМ ИМЗОЛАНДИ.

Ҳудудий лабораторияларни замонавий назорат-ўлчов асбоб-уқуналари билан таъминлаш учун 23 миллиард сўм йўналтирилади. 9 та вилоятнинг тахлийий лабораториялари халқаро стандарт талаблари асосида аккредитациядан ўтказилади.

2021-2025 йиллар учун атроф табиий муҳит мониторингинг дастури ишлаб чиқилди, мониторинг ўтказиладиган объектлар ва манбалар қамрови оширилади. Хавф даражаси юқори бўлган ҳудудларда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорликда туну кун эконазорат рейдлари ўтказилади.

“Қизил китоб”га киритилган коврак ва бошқа ўсимликларнинг тарқалиш ареаллари, шунингдек, ҳўжалик юритувчи субъектлар плантацияларидаги захиралар чуқур тахлил асосида ўрганилади. Фанлар академияси билан ҳамкорликда Орол денгизи ҳудудида артемия цисталарининг мавжуд захираларидан фойдаланиш мумкин бўлган миқдорини аниқлаш бўйича иш олиб бoрилади.

Дарахтлар ҳисобини юритишнинг электрон маълумотлар базаси яратилади, республика ҳудудларидаги барча дарахтларнинг реестри шакллантирилади, дейишга бугун барча асосларимиз бор. Халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда Орол денгизи экологик инқирозини юмшатишга қаратилган умумий қиймати 17 миллион АҚШ долларига тенг бўлган 3 та лойиҳа амалга оширилиши давом эттирилади.

Дарҳақиқат, Ўзбекистоннинг келажаги, фарзандларимиз эртаси атроф-муҳитни асқлач сақлаб қолишимизга ҳар томонлама боғлиқ. Тоза ҳавоси ҳаёт кечириб бўлмайди. Эндиликда саноат корхоналари фаолиятига табиатга зарарни қамайтирадиган инновацион технологияларни жорий этмасдан яқши яшашни тасаввур этиб бўлмайди.

Шу каби ҳақиқатларни ёшу қари чуқур англаб етишининг ўзи муаммолар қамаю бошлаганидан далолат беради.

АМИР ТЕМУР ТАВАЛЛУДИНИНГ 685 ЙИЛЛИГИГА

АДОЛАТ, БУНЁДКОРЛИК, УЛУҒВОРЛИК
ВА ХАЛОСКОРЛИК ТИМСОЛИ

Шўролар тузуми даврида Амир Темур шахси ва фаолиятига адолатсизлик билан ёндашилди, бир ёклама баҳо бериб келинди. Мустақилликка эришганимиздан сўнг бундай қарашларга барҳам берилди, мустақиллик боис Амир Темурнинг буюк саркарда, давлат арбоби, илм-фан, маънавият ва руҳоният ҳомийси эканини билдик.



Шариф ҚОБИЛОВ, Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси профессори, полковник

ИККИНЧИ РЕНЕСАНС ДАВРИ АСОСЧИСИ

Жорий йилнинг 14 январь куни Ўзбекистон Республикаси Қурулди Кучлари ташкил этилганининг 29 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларидан бир гуруҳига ҳарбий унвонлар, орден ва медаллар топшириш маросимида Президентимиз Шавкат Мирзиёев "Мен ҳар бир аскар, Ватанимнинг ҳар бир қисми Амир Темур ва улуг лашкарбошиларимиз ўғитларини, уларнинг ҳарбий меросини чуқур билиши керак, деб қайта-қайта таъкидлаб келаман. Бу ўлмас ва бебаҳо мерос ҳозирги кунда ҳам ҳар биримизнинг қалбимизга чексиз гурур баҳш этади, муқаддас тупроғимизга садоқат туйғуларини кучайтиради", дея таъкидлади.

Шу ўринда ёдга олиш жоизки, ўтган йилги Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқда ҳам давлатимиз раҳбари: Буюк аждодимиз шахсияти алоҳида тўхталди, шундай деган эди: "Ун бешинчи асрда Соҳибқирон Амир Темур бобомиз асос солган ва унинг муносиб авлодлари давом эттирган муҳташам салтанат, юртимизда Иккинчи Ўйғониш даврини бошлаб берди. Бу даврда Қозизода Румий, Мирзо Улуғбек, Ғийосиддин Кошиқ, Али Қушчи сингари беназир олимлар, Лутфий, Саъдий, Хофиз Хоразмий, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Бобур Мирзо каби муомтош шoir ва мутафаккирлар майдонга чиқди. Шарафиддин Али Яздий, Мирхонд, Хондамир каби та-

рихчилар, Маҳмуд Музаҳҳиб, Камолиддин Бехзод сингари мусаввирлар, кўплаб ҳатот ва создалар, мушиқашнос ва мейморларнинг шуҳрати дунёга ёйилди".

Бу билан ҳар биримиз темурийлар даврида фан ва санъатнинг гуллаб-яшнагани Европада уйғониш жараёнига ҳаётбахш таъсир этганини, умумжаҳон тараққиётига кўмаклашганини англаб, фахр ва ғурурга тўлаимиз. Амир Темур олимларга меҳрибон бўлиб, саййида шарифларни ўзига яқин тутарди ва қадрлаган. Амир Темур тарихни чуқур билган. У давлат аҳамиятига эга бўлган ҳар бир масалани ҳал этишда шу соҳанинг билимдонлари ва уламолари билан маслаҳатлашарди. Одатда у тиббиёт, риёзиёт, фалакиёт, тарих, адабиёт илми намояндлари, шунингдек, олихёт ва дин соҳасидаги машҳур уламолар билан суҳбатлар ўтказарди. Алишер Навоий Амир Темурнинг илм ва маънавият аҳлига кўрсатган ғамхўрлиги ҳақида шундай деган: "Агар Темур қаерда фан, маданият ва санъат аҳлини учратса, уларни ўз ҳомийлигига олар, иззат-икром кўрсатар, уларнинг тарбиясига аҳамият берад ҳамда бу зотлардан ўз олий мажлисида надим (маслаҳатчи) сифатида ва бошқа лавозимларда фойдаланарди".

Амир Темур даврида савдо ва хунармандчилик гоятда ривожланди. Янги бозорлар, савдо растанлари барпо қилинади. Амир Темурнинг ноиблари Хитой ва Хиндистондан Урта Осиё орқали Яқин Шарқ ва Европа мамлакатларига чўзилган асосий халқаро савдо йўли — "Буюк ипак йўли"да, савдо қаровонлари қатнови ҳавфсизлигини таъминлаш, работлар, қалъалар, кўприклар қуриш йўлида муҳим чора-тадбирлар кўрдилар ва Шарқ билан Ғарб ўртасида савдо-сотик ва элчилик алоқаларини ҳар томонлама ривожлантиришга гоят катта эътибор бердилар.

БУЮК ДИПЛОМАТ

Бугунги тезкор замонда жамиятимиз аҳлининг маънавий юксалишида Амир Темурнинг ҳаёти ва фаолияти, айниқса, саркардалик санъати, ватанпарварлик ва халқпарварлик фазилатлари муҳим ўрин тутди. Чунки Амир Темур салтанатни маслаҳат, кенгаш, тадбиркорлик, фаоллик ва ҳушёрлик, эҳтиёткорлик билан бошқарган. Шу билан бирга қонунларга мувофиқ содир этилган жиноят учун жазонинг муқарраблиги тамойилига амал қилган. Давлат учун нафӣ теккан, обрўли, фидойи шахсларнинг айбига берилмаган жазо-

лар енгиллаштирилган. Давлатда қўпурувчилик, сотқинлик, порахўрлик кабилар оғир жиноятлар ҳисобланган. Бундай ҳатти-ҳаракатлар аёвсиз жазоланган. Жиноятчиларга адолатли жазолар берилган ва бундай тартиботлар давлатда интизом сақланишига олиб келган.

Султония Епископининг эсдалигида ёзилишича: "Дунёнинг бошқа бирор-бир мамлакатига Темурбек қўшинида жорий этилган тартиб ва интизомни учратмайси. Унинг ҳарбий лашкарбошилари ўзи бош бўлган лашкарнинг сони билан фарқланади. Масалан, ўн кишидан ортиқ аскарга бошчилик қилади-ганларни — ўнбоши, юз кишидан ортиқ аскарларга — юзбоши, мингдан ортиқ навкарларга мингбоши ва ўн минг нафардан ортиқ жангчиларга бош бўлади. Бу қўшинда мустаҳкам интизом ўрна-тилган".

Амир Темур — улуг салтанатга асос солди. Соҳибқирон "...шундай кучли ҳамда узаро боғлиқ фуқаровий ва ҳарбий маъмурият туздиким, у ҳукмдор узок мудатли сафарга кетганда ҳам самарали фаолият кўрсатар эди. Бир гуруҳ адиблардан иборат котибият унинг кўрсатмаларига мунозаир турар, барча воқеаларни рўйхатга олар, вилоятлар ва чет эллар билан ёшшмаларга жавоб берад ва маълумотлар асосида янгилини борадиган ҳужжатлар ишини юритишарди. Улуг амир нарх-наво ва, айниқса, озиқ-овқат маҳсулотлари нархини текшириб борар ҳамда хунармандлар уюшмаларининг унумли ишлашига ҳомийлик қиларди. У йўлчиларнинг ҳавфсизлигини таъминлаш мақсадида бутун Мовароуннаҳрда юк ташини ва почта хизматини яхши йўлга қўйди".

Улуг салтанат асосчиси Амир Темур "Мен мамлакатимнинг бу чегарасидан нариги чегарасигача бир ўспирин бола бир лаган тиллани бошига қўйиб пиёда ўтиб кетса, биров қўл чўзмайдиган салтанат кўрдим", деган эди. Бу ҳикматда қанчалар маъно бор. Дарҳақиқат, бугунги давлатчилик цивилизацияси атамалари билан айтганда, мана сизга ҳуқуқий демократик давлат, қонун устуворлиги ва инсон ҳақ-ҳуқуқларининг тўла қафолатланлиги.

Амир Темур салтанатида жиноятга жазо беришдан кўра, жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қатъий қаралган. Шу билан бирга қонунларга мувофиқ содир этилган жиноят учун жазонинг муқарраблиги тамойилига амал қилган. Давлат учун нафӣ теккан, обрўли, фидойи шахсларнинг айбига берилмаган жазо-

лар енгиллаштирилган. Давлатда қўпурувчилик, сотқинлик, порахўрлик кабилар оғир жиноятлар ҳисобланган. Бундай ҳатти-ҳаракатлар аёвсиз жазоланган. Жиноятчиларга адолатли жазолар берилган ва бундай тартиботлар давлатда интизом сақланишига олиб келган.

Султония Епископининг эсдалигида ёзилишича: "Дунёнинг бошқа бирор-бир мамлакатига Темурбек қўшинида жорий этилган тартиб ва интизомни учратмайси. Унинг ҳарбий лашкарбошилари ўзи бош бўлган лашкарнинг сони билан фарқланади. Масалан, ўн кишидан ортиқ аскарга бошчилик қилади-ганларни — ўнбоши, юз кишидан ортиқ аскарларга — юзбоши, мингдан ортиқ навкарларга мингбоши ва ўн минг нафардан ортиқ жангчиларга бош бўлади. Бу қўшинда мустаҳкам интизом ўрна-тилган".

Амир Темур давлатни ақл-заковат ва ҳуқуқий асос билан идора этган. Унинг "... давлат ишларининг тўққиз улушини кенгаш, тадбир ва машварат, қолган бир улушини қилч билан амалга оширдим", деган сўзлари бунинг ёрқин далилидир.

ШИОР БИТИЛГАН БАЙРОҚ


Тарихий ҳужжатлар, адабиётлар ва манбалар Амир Темур давлатчилигида адолат юқори даражада таъминланганидан, ҳар бир фуқаронинг тинч ва осуда ҳаёти тўла қафолатланганидан далолат беради. Чунки, буюк араб олими Ибн Халдул хулосаларига кўра, "Темур даври башарият тарихий инкишофининг энг юксак нуқтасидир. Дунё яратилганидан бери бундай бир давлат қурилмаганидир. Бобил ва Эрон ҳукмдорлари ва Искандар бу буюк турк ҳукмдорига нисбатан кўлага бўлиб қолади".

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, "бу каби кўплаб даҳолар номи нафақат ислом, айни вақтда жаҳон цивилизацияси тарихида ҳақли равишда олтин ҳарфлар билан битилган".

Мамлакатнинг сиёсий ва иқтисодий макенин мустаҳкамлаб, кўпдан давом этиб келаётган ички тарқоқликка барҳам бериш, тинчлик ва осийишликнинг қарор топтириш мақсадида Амир Темур (1370 йил, июнь) Самарқандда катта қурултой чакриди. Унда марказий давлат тизимини шакллантириш ва қўшин тузиш масалалари муҳокама этилди.

Мана шу даврдан бошлаб, Соҳибқирон "Куч — адолатда" деган шиор битилган уч халқдан иборат байроқни ўзининг туғи этиб белгилди. Ривоятларга қараганда, туғдаги уч доира қурраи заммининг Амир Темур ҳукмронлик қилишни истаган уч қисмини билдиради.

Эл-юртни бошқаришда ҳарбий кучнинг аҳамиятини яхши тушунган Амир Темур



қўшиннинг тузилишига жиддий эътибор берди. У "амир" ва "амир ул-умаро" каби юқори даражали ҳарбий унвонларни жорий қилди. Қўшинни ҳарбий жиҳатдан ислоҳ қилар экан, лашкарбошилари танлаш, уларни тарбиялаш, ҳарбий қисмлар ва уларнинг жойлашиш тартиби, навкар ва сарбозларнинг қуролланиши ҳамда интизом масалаларига ниҳоятда жиддий эътибор қаратди.

Амир Темур ҳокимият тепасига келгач, дастлабки вақтлардаёқ мамлакатда руй берган оғир иқтисодий тангликни бартараф қилиш учун энг аввало солиқ тизимини тартибга солди. Давлат солиқларини йиғишда амирлар, калонтарлар ва солиқ йиғувчиларни раъиятга нисбатан инсоф ва адолатли бўлишга, қонунга ҳилоф иш тутмасликка чақирди, чунки салтанатнинг барқарорлиги кўп жиҳатдан раъиятнинг ҳол-аҳволи, унинг давлат ва давлат бошлиғига бўлган садоқатига боғлиқ. Раъиятни ҳимоя қилиш қонун билан мустаҳкамланди, қонун барчага баробар қилинди. Амир Темур нафақат ўз халқини, балки забот этилган мамлакатларнинг аҳолисини ҳам имкони борича қонун ҳимоясига олган. Уларни асирлик ва талон-тарожлардан сақлаган.

БУНЁДКОРЛИК САЛОҲИЯТИ

Саркарда ҳаёти билан танишар эканмиз, унинг буюк бунёдкор ҳам бўлгани, руйи заммининг сайқали бўлмиш Самарқандда, Шаҳрисабз, Бухоро, Тошкент ва бошқа ҳудудларда нодир меъморий обидалар, тенгсиз боғу роғлар бунёд этганининг гувоҳи бўлаимиз. Зеро, у умр бўйи бунёдкорлик билан машғул бўлган. Унинг "Қай бир жойдан бир гишт олсам, ўрнига ўн гишт қўйдирдим, бир дарахт кестирсам, ўрнига ўнта кўчат эктирдим" деган сўзлари бунинг ёрқин исботидир. Асосий эътиборини она шаҳри Кеш ва пойтахти Самарқандга қаратди. Кешда отасининг қабри устига мақбара, ўли Жажонгирга мақбара билан масжид қурди. Моҳир саркарда ҳукмронлигининг илк даврида Кеш шаҳрини пойтахтга айлантириш ниятида бўлиб, унинг ободон-

чилиги катта аҳамият бери, бу ерда машҳур Оксарой қад кўтарди.

Кастилия (Испания) қурулининг элчиси Руи Гонсалес де Клавихо хайратланиб таърифлаган бу маҳобатли ва ғўзал бино Темурга ёқди. У кетишидан олдин усталарга бинонинг пештоқига қўйидаги сўзларни ёзиб қўйишни буюрди: "Агар бизнинг қудратимизга шакшубхангиз бўлса, биз қудирган биноларга қўйдим".

Амир Темур Кешни Мовароуннаҳрнинг маданий марказига айлантиришга ҳаракат қилди. Шу боисдан бу шаҳар "Қўббат ул-илм вал-адаб" унвонига эга бўлди.

Энг муҳими, Амир Темур қурилишлар географиясида биргина Туркистон билан чегараланиб қолган эмас. Бунинг исботи сифатида соҳибқирон қадами етган жойлардаги тарихий обидаларни эслашнинг ўзи kiffo.

Бу борада Л.Кереннинг: "Бир томонда бутун-бутун шаҳарларни забот қилувчи фотиҳ Темур бўлса, иккинчи томонда обидалар, мадрасалар ва боғлар барпо этирувчи бунёдкор Темур турарди. Бир томонда қаттиққўл Темур турса, иккинчи томонда илм аҳлини қўллаб-қувватлаб, ҳимоясига олади-ган маърифат пешвоси — Темур турар эди" деган гаплари ҳам буюк саркарданинг бунёдкорлик салоҳияти нечоғли бўлганига бир ишорадир.

Фахримиз шуки, бугун Амир Темурнинг ўғитлари, тузуқларига таяниб, ватанпарвар ёшларни камолга етказяпмиз. Энг муҳими, унинг тарихда ким бўлганию миллий давлатчилигимиз ривожидидаги ўрнини руйи-ерста айтиб, буюк аждодларига нисбатан эртамиз эгалари хайратини оширишдан ғурурланиб яшяпмиз.

КИТОБ — ҚАЛЬ ҚУЁШИ

КИТОБХОНЛИК БАЙРАМИ

КўНГИЛЛАРГА ЗАВҚ УЛАШМОҚДА



Мухтасар ТОЖИМАТОВА, "Янги Ўзбекистон" мухбири

Ўзбекистонда "Китобхонлик ҳафталиги" бошланди. 5 апрель куни Тошкент шаҳридаги Ёшлар ижод саройида тадбирнинг очилиш маросими бўлиб ўтди. Унда мактаб ўқувчилари, талабалар, шoir ва ёзувчилар, ноширлар, ташкилотчи идораларнинг масъул мутасаддилари иштирок этди.

Ҳафталикнинг тантанали очилиш маросимида сўз олганлар Президентимизнинг "Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида"ги ҳамда "Ўзбекистон республикаси аҳолиси ахборот-кўтубхона хизмати кўрсатиши янада такомиллаштириш тўғрисида"ги қарорлари ҳуқуқий пойдевор бўлиб хизмат қилаётганлигига алоҳида ургу бериб ўтди.

— Бугунги китобхонлик байрами зергуликнинг ажойиб тантанасидир, — деди Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбари Минҳожиддин Мирзо. — Қўни кеча Президентимиз томонидан маънавий-маърифий соҳадаги ишларни такомиллаштириш борасида икки қарор қабул қилингани ҳам ана шу байрамларимизга ўзига хос жўшқинлик бахш этди. Ушбу қарорлар асосида белгиланган вазифаларнинг моҳияти ҳам ёш авлодни камол топтириш, маънавий уйғоқликка чорлаш, уларнинг қалбига миллий қадриятлари-

миз ва аъналаримизни сингдиришдан иборат. Бу жараёнда эса, албатта, тадфақур ва тасаввур манбаси бўлган ноёб китобларнинг ўрни тенгсиз. Илк мартаба ўтказилаётган "Китобхонлик ҳафталиги" доирасида 30 дан ортиқ етакчи нашриётларда сўнги йилларда кўп нусхада чоп этилган 100 га яқин китоблар тақдими, улуг мутафаккир Алишер Навоийнинг 580 йиллиги, Ўзбекистон Халқ шoirи Абдулла Ориповнинг 80 йиллиги, Халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимовнинг 80 йиллиги, шунингдек, ўзбек эстрада санъатининг асосчиси Ботир Зокоровнинг 85 йиллигига бағишланган маданий-маърифий тадбирлар ташкил этилади.

— Биз ҳам кўчма кутубхонамиз, яъни "Библиобус"ни китобхонларни қизиқтирган асарлар билан тўлдиришга ҳаракат қилаяпмиз, — деди Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси директори ўринбосари Насиба Холдорова. — Жойларга ушбу хазинамиз билан борганимизда кўплаб тадбирлар ўтказамиз. Кўчма кутубхоналаримизни нафақат маданият

ва маърифат муассасаларида, балки бозорлар ва маҳаллаларда ҳам катта кувонч билан кутиб олишмоқда. Мазкур ҳафталик доирасида кўчма кутубхоналаримиз билан Олмазор, Чилонзор ва Сергели туманларига боришни режалаштирган-миз.

Ҳафталик 5-9 апрель кунлари Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, Ёшлар ижод саройи, Қоракалпоғистон Республикаси ҳамда барча вилоятлар ахборот-кўтубхона марказларида бўлиб ўтади. Ҳафталик доирасида кўплаб эътиборга молик янги нашрларнинг тақдимотлари ўтказилади. Ҳафталик якунида эса "Ёш китобхон" республика кўрик-танловининг якуний босқичи ўтказилади. Унда учта ёш тоифасидаги голиб китобхонларга Президент совғаси — "Spark" автомашинаси топширилади.

АОКА, Ёшлар ишлари агентлиги, Маънавият ва маърифат маркази, Ёзувчилар уюшмаси, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Мактабгача таълим вазирлиги, Фанлар академияси, МТРК, Ўзбекистон электрон



оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси билан ҳамкорликда ўтказилаётган ушбу тадбир барча ёшдаги китобсеварлар учун чинакам интеллектуал байрам бўлиши, шубҳасиз.